



# XASR



TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

IJTIMOY-SIYOSIY GAZETA

2015-yil 30-iyul, payshanba, 31 (611)-son

e-mail: xxi\_asr@mail.ru, web sayt: www.21asr.uz



## БЕТАКРОРИМСАН, ЯГОНАСАН, ОНА ВАТАНИМ — ЎЗБЕКИСТОНИМ!

### ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 29 июль куни Оқсаройда «Isuzu Motors Ltd.» компанияси раиси Сусуми Хосоини қабул қилди

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон билан Япония ўртасида турли соҳаларда самарали ҳамкорлик йўлга қўйилганини таъкидлади. Япониянинг юқори технологияли етакчи компаниялари билан ўзаро манфаатли шериклик муносабатлари изчил кенгайтиб бормоқда.

Тошкентда «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси ва «Isuzu Motors Ltd.» ўртасида Япониянинг ушбу компанияси «СамАвто» масъулияти чекланган жамияти таъсисчилари таркибига кириши тўғрисида битим имзоланди.

Мазкур битим «Ўзавтосаноат» ва «Isuzu Motors Ltd.» компаниялари ўртасидаги узоқ муддатли ҳамкорликнинг мантиқий давомидир.

Томонлар «СамАвто» масъулияти чекланган жамиятини ривожлантириш стратегиясини амалга ошириш, ишлаб чиқарилаётган машиналар турини янгилаш ва кўпайтириш, маҳаллийлаштириш кўламини кенгайтириш, Япониянинг илғор ишлаб чиқариш технологияларини янада кенг жорий этишга келишиб олди.

«Ўзавтосаноат» ва «Isuzu Motors Ltd.» ўртасидаги ҳамкорлик 2007 йилда йўлга қўйилган. Япониянинг мазкур компанияси ўша йили «СамАвто» масъулияти чекланган жамиятининг технология шериги сифатида мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган автобуслар, ўрта оғирликдаги юк машиналари ва бошқа техникалар учун шасси ва двигателлар етказиб беришни бошлади. Утган вақт давомида «Isuzu Motors Ltd.» агрегатлари базасида 10,2 минг автобус ва 11,5 минг юк машиналари, жумладан, 2014 йилда 1,2 минг автобус ва 2,6 минг юк машинаси ишлаб чиқарилди. Табиий газда ишлайдиган юк машиналарининг янги моделларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилгани ҳамкорликни ривожлантиришнинг муҳим босқичини ташкил этди.

Учрашувда икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш истиқболлари ва ўзаро манфаатли бошқа масалалар муҳокама этилди.

(ЎзА)

### ХУСУСИЙ МУЛК ҲУҚУҚИНИ ИШОНЧЛИ ҲИМОЯЛАШ ТИЗИМИНИ МУСТАҲКАМЛАШ — УСТУВОР ВАЗИФАМИЗ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тadbirkorликни ишончли ҳимоя қилишни таъминланганлиги, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинди

2



Сопиқ ЗОИР олпан сураб

### Назорат-таҳлил натижаларидан қандай хулоса чиқарилди?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси ташаббуси билан «Сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича Давлат дастури»нинг Бухоро вилоятидаги ижроси назорат-таҳлил тарзида жойида ўрганилди

Унинг яқунларига бағишлаб Президентимиз томонидан парламент палаталари қўшма мажлисида белгилаб берилган устувор вазибалардан келиб чиққан ҳолда ташкил этилган қўмита йўналишида мамлакатимизда сув ва ер ресурслари чекланган бир шароитда ирригация ва мелиорация ишларини изчил давом эттириш, тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорлигини янада ошириш, экин майдонлари таркибини оптималлаштириш, энг янги агротехнологияларни жорий этиш, сув хўжалигини ривожлантириш масалалари соҳага оид қонун ҳужжатларининг тўлақонли ижросига бевосита боғлиқ экани алоҳида таъкидланди. Зеро, О'зЛиДеР дастурида алоҳида қайд этилганидек, ер, сув ва бошқа табиий ресурслардан оқилона ва самарали фойдаланиш, бу борада ривожланган мамлакатлар даражасига чиқишда, энг аввало, тармоқнинг ҳуқуқий асосини такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги ҳузуридаги Сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси, Бухоро вилояти ҳокимлиги мутасаддилари, илғор фермерлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этган тadbирда масаланинг шундай хусусида атрофлича фикр билдирилди. Иштирокчилар парламентнинг назорат функциясини кучайтириш жойлардаги камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш, қабул қилинган қонунларнинг ижросини таъминлаш ҳамда янги қонунчилик ташаббуслари билан чиқишда долзарб ўрин эгаллашни эътироф этдилар.

Бевосита назорат-таҳлил натижаларига тўхталадиган бўлсак, ўринли савол туғилади: нега мазкур дастур ижросини ўрганиш учун айнан Бухоро вилояти танланди? Масалага вилоят табиий иқлими ва ҳудудий жойлашувидан келиб чиқиб ёндашсак, жавоб ўз-ўзидан ойдинлашади. Биламики,

2

### АМУДАРЁ ТЎЛҒАНГАН ТУН

... Собиржоннинг наздида минг йиллардан буён ўз ўзанида тўлганиб оқётган азим дарёнинг ҳам тўлқин-тўлқин бўлиб жўш урган бедор юраги бор. Ва шу қудратли юрак бугун, яъни 1986 йилнинг 1 апрелида ўта безовта, бесаранжом, беқарор ураётгандек. Қадимий Окс негадир ох тортиб,

### XXIV КИМ ЭДИГУ КИМ БЎЛДИК?

Қирғоғига қаттиқ-қаттиқ бош уради, дарду ҳасратга тўлиб кетгандек тўлганарди. Улуғ Ўқуз устида бетиним учаётган, чарх уриб сувга тўш ураётган оқушлар ҳам тинчини йўқотган. Соҳилдаги жийдазор тепасида муаллақ туриб чириллаётган сўфитўрғай ноласи қалбларни ўртарди. Қирғоқ яқинида улкан тегирмон тошидек айланётган гирдоб ичида дарё ўпирган тўронғил дарахти оддий хасдек турарди

— «Гирдоб. Нега менинг юрагим дарё гирдобини қўриб бунчалар Собиржон. — Бу ҳорғин оқшом менга қандай насибалар ҳозирлаб қўйибди? Энг муҳими, онажонимнинг аҳволи қандай? Умуман, тузалиб кетармикан? Эҳ, бечора онажоним-а! Сиз неча марта «марказ»нинг буйруғи билан самолётда сепилган буғифос ёмғири остида қолдингиз. «Буғифос» деган лънати сўз овулга «гепатит» деган даҳшатли атамани бошлаб келди. Мана, жигарингиз шишиб, рангингиз сомондек сарғайиб ётибсиз. Дарёга ўрнатилган насосларнинг ҳолатини бирров кўраману ёнингизга қайтаман, она. Тузалиб кетин! Тузалиб кетин!

3

### БУГУНГИ СОНДА:

**ИСЛОҲОТ**  
Ишбилармонларнинг «Сўғдиёна»даги очик мулоқоти

3

**ПАРТИЯВИЙ ЛОЙИҲАЛАР**  
«Оилавий тadbirkorликдан — мустаҳкам оилага»

4

**БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА**  
Таянч тузилмаларнинг таъсир кучи

5

**ҲАЁТ ҲАҚИҚАТЛАРИ**  
Электрон савдолар шаффофлиги

7

### КЕЛГУСИ СОНДА:

**ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲЛАРИДА**  
Маълумки, ўтган йили Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига бўлиб ўтган сайловда О'зЛиДеР энг кўп депутатлик ўринларини қўлга киритди. Бу муваффақият мавжуд салоҳиятимизни намоён этиши баробарида партия тузилмалари ва унинг депутатлик бирлашмалари олдида улкан вазибалар турганлигини аниқлатади. Зеро, амалдаги қонунлар ва Давлат дастурлари, Президентимиз фармонлари, ҳуқуқат қарорлари, шунингдек, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларида белгиланган вазибалар ижроси устидан назорат-таҳлил фаолиятини олиб бориш, депутатлик эшитувларини ташкил этиш партияимиз вакиллари зиммасидаги асосий вазибалар сирасига кирди.

### Ёшлар билан ишлаш бўлими: ЯРИМ ЙИЛЛИК ФАОЛИЯТ ТАҲЛИЛИ



Тadbirkorлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси Ёшлар билан ишлаш бўлими томонидан партиянинг 2015 йил биринчи ярми учун мўлжалланган иш-режаси ижросини таъминлаш мақсадида 2212 та тadbир ташкил этилиб, уларда 173 750 нафардан ортиқ навқирон авлод вакили иштирок этди

Айни рақамларни 2014 йилнинг мос даврига қиёслайдиган бўлсак, мазкур кўрсаткичлардаги ижобий ўсиш-ўзгаришлар яққол кўзга ташланади. Жумладан, ўтган йилнинг олти ойида Ёшлар билан ишлаш бўлими томонидан жами 627 та турли тadbир ўтказилиб, уларда партияимизнинг 58 870 нафардан зиёд ёш фаоли қатнашганини кўришимиз мумкин.

3

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти	1 Австралия доллари	1874,99	1 АҚШ доллари	2575,18	1 Хитой юани	414,72	1 Туркия лираси	939,71	10 Япония иенаси	208,57
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2015 йил 21 июлдан бошлаб валюта операциялари бўйича баъгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, боғжона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хоржий валюталарнинг сўмага нисбатан қийидаги қийиматини белгилади:*)	1 Англия фунт стерлинги	3997,19	1 Миср фунти	328,89	1 Малайзия рингити	675,37	1 Швейцария франки	2680,52	1 Россия рубли	44,37
*) Валюта қийиматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийиматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмайди.	1 Дания кронаси	379,70	1 Исландия кронаси	19,21	1 Польша злотийси	683,36	1 ЕВРО	2810,56	1 Украина гривнаси	116,66
	1 БАА дирҳами	701,11	1 Канада доллари	1975,89	1 СДР	3587,15	10 Жанубий Корея вони	22,05		

# ПАРЛАМЕНТДА

**Замонавий фикрлайдиган, халқимиз манфаатларига садоқатли, юксак профессионал тайёргарликка эга соғлом авлодни тарбиялаш интеллектуал меҳнат бирламчи аҳамият касб этаётган глобаллашув ва интернет асрида мамлакатимиз ҳамда унинг иқтисодий рақобатдошлигини таъминлашнинг муҳим шартли ҳисобланади**

## Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур

**Виктор ПАК,**  
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O'zLiDeP фракцияси аъзоси

Зеро, келажаги буюк давлатимиз, кучли фуқаролик жамиятини айнан шундай юксак салоҳиятга эга, миллий ва умуминсоний кадрлар руҳида тарбияланган ёшлар барпо этади. Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спорт соҳаларини ислоҳ этиш ва ривожлантиришга давлат сиёсати даражасида аҳамият берилган боиси ҳам ана шундандир. Модомки, спорт — соғлом авлод, соғлом келажақ, дегани. Фақат соғлом халқ, соғлом миллатгина буюк ишларга қодир бўлади.

Маълумки, ҳар қандай соҳани ривожлантириш учун биринчи навбатда унинг ҳуқуқий асосини яратиш, замон талаблари, давлат ва жамият эҳтиёжларидан келиб чиқиб тақомиллаштириб борилиши зарур. Ҳозирги пайтда республикамизда жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги муносабатлар юздан ортиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат билан тартибга солинади. Қуни кеча парламентимиз Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган ва Сенатда кўриб чиқилаётган «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун ҳам ана шундай эҳтиёж туфайли юзага келди.

Ушбу қонун жисмоний тарбия ва спорт фаолиятини ташкил этишни индивидуал ва дифференциал тартибга солиш, миллий спорт турлари ва ўйинлари, аҳолини жисмоний тарбияга оммавий жалб қилиш, соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш каби долзарб масалаларни ижобий ҳал этиш, ёшларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб қилиш, мутахассислар тайёрлаш тизимини тақомиллаштириш,

замонавий ва самарали инфратузилмани шакллантириш, юқори тоифали спортчилар тайёрлаш сингари вазифалар ижросига ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Таъкидлаш жоизки, фракция-миз йиғилишларида мазкур қонун лойиҳаси Сайловдони дастури-миз нуктаи назардан муҳокама қилинган бўлиб, депутатларимиз томонидан соҳанинг иқтисодий ва маънавий-ахлоқий асосларини янада мустаҳкамлаш, замонавий спорт инфратузилмасини шакллантириш, юқори тоифали спортчилар тайёрлаш учун зарур шарт-шароит яратиш, спорт иншоотларини хусусий-лаштириш каби масалаларга доир йигирмадан ортиқ таклиф киритилди ва 17 таси қабул қилинди.

Албатта, мамлакатимизда истиқлол йилларида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, оилаларни мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, айниқса, болалар спортини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётир. Бу борада дунёда ўхшаши бўлмаган уч босқичли тизим — «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиада спорт мусобақалари бўлажақ етук спортчилар учун ўзига хос пиллапо вази-фасини ўтамоқда. Ушбу ноёб тизим мактаб, лицей, коллеж ва олий таълим муассасалари ўқувчи-талабаларини қамраб олгани билан ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Айниқса, ўғил-қизларимизни эзгу гоғлар йўлида бирлаштириш ва спорт билан мунтазам шугулланиш кўникмасини шакллантиришдаги ўрни беқиёсдир. Хусусан, 2013 йил ва жорий йилнинг биринчи чора-ғи давомидда юртимизда 16200 дан зиёд юрга етмаганлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилувчи мусобақалар ташкил этилган бўлиб, уларда 3,3 млн. дан ортиқ ёшларимиз, жумладан, қарийб 1,48 млн. нафар қиз иштирок этди. Бундан ташқари, ушбу тизим шарофати билан навбатма-навбат мамлакатимизнинг барча ҳудудларида янги ва

замонавий спорт иншоотлари барпо этилиб, зарур жиҳозлар билан таъминланмоқда. Фақат сўнгги 5 йилнинг ўзида 523 та спорт иншооти ва 100 дан зиёд сузиш ҳавзаси қурилди ёки реконструкция қилинди. Бугун-

ги кунда уларда 2 миллион нафардан зиёд ёш, жумладан, 840 минг нафардан ортиқ қиз спорт билан мунтазам шугулланиб келмоқда. Ўнлаб замонавий талабаларга жавоб берадиган, халқаро спорт мусобақаларини ўтказиш имкониятига эга спорт иншоотлари марказда ва ҳудудларда соҳанинг янада оммалашуви-га хизмат қилаяпти. Энг асосийси, спортчиларимизнинг жаҳон ареналарига чиқишида пойдевор вази-фасини ўтамоқда. 2013-2015 йилнинг биринчи чора-ғида турли даражадаги халқаро мусобақаларда иштирок этган ёшларимиз 640 дан зиёд бронза, 560 дан ортиқ кумуш, 620 тага яқин олтин медаль соҳиби бўлиб, юртимиз байрогини банд қўтардилар.

Олий спорт мусобақаси — Олимпия ўйинларида мустақилликкача иштирок этган юртдошларимизни бармоқ билан санаш мумкин эди. Истиқлол йилларида бўлиб ўтган 7 та ёзги Олимпия ўйинларининг ўзида 400 дан ортиқ спортчимиз иштирок этди. Биргина 2012 йилда Лондонда бўлиб ўтган XXX ёзги Олимпия ўйинларида 53 нафар вакилимиз 15 та спорт тури бўйича Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилди. Битта олтин, иккита бронза медални қўлга киритиб, 204 та давлат орасида 47 ўринни эгаллади. Спортчиларимизнинг бундай ғалабалари эса спортни янада оммалаштириш, Ватанимизнинг халқаро майдондаги обрўсини оширишга хизмат қилаётир.

Мухтасар айтганда, Президентимиз мамнуният билан таъкидла-ганидек, бизнинг фарзандларимиз гоғят истеъдодли, ақлу заковат бобинда ҳеч қимдан қолишмайди. Уларнинг иқтидорини қадрлаш, имкони-ятларини юзага чиқариш, Ватанинг мард ва фидойи фарзандлари этиб тарбиялаш учун шарт-шароит яратиш бундай ғалабалари ҳал этишга ёрдам бериш қароридир. Биз тилга олган қонун эса ана шу соҳанинг ҳуқуқий асосини янада тақомиллаштиришга хизмат қилади.

## НАЗОРАТ-ТАҲЛИЛ НАТИЖАЛАРИДАН ҚАНДАЙ ХУЛОСА ЧИҚАРИЛДИ?

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ▼

**Акбар МУЗАФФАРОВ,**  
«XXI asr»

Эътиборлиси, мазкур саъй-ҳаракатлар жорий йилнинг биринчи чора-ғида ҳам изчиллик билан давом этирилмоқда. Хусусан, реконструкция қилиш ва қуриш ишлари бўйича 44,97 км. очик коллектор ва 7,4 км. узунликда ёпиқ-ёпиқ дренаж тармоғи битказилиб, 4,038 млрд. сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилган. Шунингдек, мелiorатив объектларни тизимли таъмирлаш бўйича 546,2 км. узунликда очик коллектор тикланиб, 3,650 млрд. сўмлик ишлар ниҳоясига етказилган.

Шунингдек, Бухорода олиб борилган мелiorатив тадбирлар бўйича бир нечта лойиҳалар таллаб олинди, назоратдан ўтказилганда куйидагилар маълум бўлди: Жондор туманидаги «Ғарбий Ромитан» коллекторини реконструкция қилиш ишлари жойига бориб кузатиладиган, бош пудратчи «Бухородавсувмахсуспудрат» ДУК томонидан зарур техникаларни жалб қилган ҳолда қурилиш ишлари режа асосида олиб борилаётгани маълум бўлди. Эътиборли томони, ушбу коллекторни реконструкция қилиш ишлари режа асосида ишлаётганлиги аниқланди.

«Марказий Бухоро» туманлараро коллекторнинг 30 км. узунликдаги қисмини реконструкция қилиш бўйича ишлар ўтган йили якунига етказилган. Шунингдек, таъкидлаш кераки, ушбу объектни қайта таъмирлаш натижасида Бухоро, Ромитан ва Вобкент туманларидаги 15,0 минг гектардан зиёдроқ сугориладиган майдонлардан сизот сувларининг тўксисиз чиқиб кетиши таъминланган бўлиб, ўрта ва кучли шўрланган ерлар 880 гектарга қисқарган, ер ости сизот сувлари 1610 гектарга камайган. Қолаверса, 12500 гектардан



ортиқ сугориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолати яхшиланганига эришилган.

Жорий йилда ҳам Давлат дастурига киритилган Вобкент туманидаги 25,8 км. узунликдаги умумий қиймати 1473,0 млн. сўмлик «Харғўш» туманлараро коллекторини реконструкция қилиш ишлари жойига бориб кузатиладиган, бош пудратчи «Бухородавсувмахсуспудрат» ДУК томонидан зарур техникаларни жалб қилган ҳолда қурилиш ишлари режа асосида олиб борилаётгани маълум бўлди. Эътиборли томони, ушбу коллекторни реконструкция қилиш ишлари режа асосида ишлаётганлиги аниқланди.

Яна бир муҳим жиҳатга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Яъни вилоят гидро-мелiorатив экспедициясининг маълумотларида келтирилишича, Бухорода 2013-2014 йилларда амалга оширилган мелiorатив тадбирлар натижасида ўртача ва кучли шўрланган ер майдонлари 6290 гектарга қисқарган, ер ости сизот сувлари 2 метр-гача бўлган майдонлар 11820 гектарга камайган. Шунингдек, 66890 гектар майдондаги ерларнинг мелiorатив ҳолати барқарорлаштирилган.

Хар тўғрисида бир айб деганларидек, назорат-таҳлил тар-

зида ўрганиш давомида амалга оширилаётган ижобий ишлар билан бирга сугориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш учун ажратилган маблағларни ишлатишда бир қатор хато ва камчиликларга йўл қўйилаётганлиги ҳам таъкидланди.

Шунингдек, вилоят ҳудудида таъмирлаш-тиклаш ишлари бажарилган зовурларга фермер хўжаликларини томонидан дала экинларини сугоритишда оқиб тушаётган паёноқ сувларининг қурувлар ўрнатилмасдан зовурларга ташлаб қўйилиши, аҳоли томонидан тўсиб олин-ши ва чиқиндилар ташланиши оқибатида лойқа ҳосил бўлишига олиб келаётган ҳолатлар аниқланган. Сув эса сатҳи-ни кўтариб, зовурларнинг узоқ муддат хизмат кўрсатишига салбий таъсирини ўтказайтир.

Йиғилишда Республика «Сув-назорат» инспекцияси, ҳокимликларнинг жойлардаги масъул ходимлари, Сув истеъмолчилар уюшмаси, Гидро-мелiorатив экспедиция ва бошқа мутасадди ташкилотлар томонидан мазкур масалага етарлича эътибор берилмаётганлиги қайд этилди.

Дарҳақиқат, таҳлиллар давомида соҳадаги ижобий натижалар қаторида ечимини қутаётган камчилик ва ишга солинмаган имкониятлар мавжудлиги маълум бўлди, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O'zLiDeP

фракцияси аъзоси Комилжон Эрнazarов. — БевоСИта мисолларга мурожаат қиладиган бўлсак, вилоятда 2014 йилда 650 гектар ер эгилувчан қурувлар орқали сугорилиш жорий этиш режалаштирилган бўлишига қарамай бор-йўғи 247 гектар майдонга қурув тортилган. Туманлар кесимида олиб қарайдиган бўлсак, режа кўрсаткичлари Пешку ва Ромитан туманларида 36, Когон туманида атиги 8 фоиз уддаланган. Вобкент, Бухоро ва Ёғждувон туманларида бу йўналишдаги ишлар деярли бажарилмаган. Жорий йилда 60 та хўжалик субъектининг 170 гектар майдонда томирчиласи сугоритиш йўлга қўйиш режага киритилган бўлиб, амалда бу кўрсаткич 36,8 гектарда бажарилган, холос.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, вилоятда тегишли ташкилот ва идоралар томонидан томирчиласи сугоритиш тизими ҳамда сувни тежайдиган бошқа технологияларни жорий этишининг афзалликлари бўйича тарғиб-ташвиқот ишлари етарли даражада олиб борилмаган.

Тадбир давомида қайд этилган муаммо ва камчиликларни бартараф этиш борасида соҳа мутахассисларнинг фикр-мулоҳазалари эшитилиб, тегишли тавсиялар берилди. Ўзбекистон Республикасининг «Ер кодекси», «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида», «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонунларини янада тақомиллаштириш юзасидан аниқ таклифлар ишлаб чиқилди. Зеро, қишлоқ хўжалигидаги камчиликларини ҳал этмасдан туриб, иқтисодий ислохотларни муваффақиятли давом эттириб бўлмайди.

Йиғилиш сўнгида кўриб чиқилган барча масалалар юзасидан билдирилган таклиф ҳамда мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда Аграр ва сув хўжалиги масалалари кўмитасининг тегишли қарори қабул қилинди.



Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ▼

**O'zLiDeP фракцияси аъзоси Р.Кобилов**нинг таъкидлашича, ҳар қандай мамлакатнинг бугуни ва келажаги унда хусусий мулкка бўлган муносабат билан чамбарчас боғлиқ эканлигидан келиб чиқиб, Сайловдони дастури-мизда партия-миз иқтисодий-та, авваломбор, саноат тармоқларида хусусий мулкнинг етакчи ўрин эгаллаши учун ҳаракат қилиши белгилаб қўйилган.

Шу ўринда алоҳида эътироф этишимиз лозимки, мустақиллик йилларида Бош қомис-симида хусусий мулк ва унинг дахлсизлигини таъминлашга қаратилган қонунлар белгилаб қўйилди ва шу асосда қатор тарихий қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

Жумладан, охири беш йилда хусусий мулк мавқеини мустаҳкамлаш, унинг дахлсиз-лигини таъминлаш, бизнес юритиш имконият-ларини кенгайтиришга қаратилган «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг қаролатлари тўғрисида», «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг қаролатлари тўғрисида» (янги таҳрирда), «Тадбиркорлик фаолияти соҳасида руҳсат бериш тартиб-та-омиллари тўғрисида», «Рақобат тўғрисида», «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги каби ўндан ортиқ қонун қабул қилинганлигининг ўзи бу борада амалга оширилаётган ишларнинг қўлидан далолат беради.

Қонунчиликни ривожлантириб бориш на-тижасида истиқлол йилларида мулкчиликда тоб ўзгаришлар рўй берди, кўпқуллади иқти-содиёт амалда шаклланиб, унинг тарихида хусусий мулк устувор ривожланди. Кичик биз-нес ва хусусий тадбиркорлик мамлакатимиз иқтисодиётида нафақат ҳал қилувчи ўрин эгаллади, айни вақтда бозорни зарур таъмин-

## Хусусий мулк ҳуқуқини ишончли ҳимоялаш тизимини мустаҳкамлаш — устувор вази-фамиз

ва хизматлар билан тўлдириш, одамларнинг даромадлари ва фаровонлиги охиб бориши-нинг асосий манбаи, аҳоли бандлиги ўсиши-нинг энг муҳим омиллига айланди.

Бугун мавжуд хўжалик субъектларининг 90 фоиздан ортинини кичик бизнес қорхона-лари ташкил этаётгани қувонарли ҳол. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялли ички маҳсулотдаги улуши 56 фоизга етганли-ги, айни пайтда иш билан банд аҳолининг 77 фоизи ушбу соҳада меҳнат қилаётганлигининг ўзиёқ хусусий секторнинг иқтисодий-тизимининг барқарор ривожланиши, аҳоли турмуш дара-жасини ривожлантиришдаги улкан аҳамияти-дан дарак беради.

Шу билан бирга, Юртбошимиз таъбири билан айтганда, «хаёт бир жойда турмай-ди» ва қонунчилигимиз ҳам мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг миқёсдаги сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ислохот ва ўзгаришлар-ни халқимиз танлаган, амалда ўзини тўла оқлаган «ўзбек модели»га мувофиқ равишда давом эттириш, давлат ва жамиятнинг барқа-рорлиги ва зарур ривожланиш суръатларига эришиш ҳаёт сифатини оширишни таъмин-лаб бориш вазифаларини самарали ҳаётга татбиқ этиш билан ҳамоханг равишда изчил тақомиллаштирилиб борилиши лозим.

Шундай экан, Президентимиз Дастурлар-ида ҳам хусусий мулк ва хусусий тадбир-корликни ривожлантириш йўлида ҳали-ҳамон турли маъмурий ғов ва тўсиқлар сакланиб қолаётгани, энг ёмони, мансабдорлар томони-дан бу соҳа вакилларининг қонуний манфаат ва ҳуқуқлари бузилаётгани таъкидланиб, мулк ҳуқуқининг кучли юридик норма ва қаролат-лари тизимини шакллантиришимиз ва шу асосда давлатимизнинг иқтисодий ва ижтимо-ий таънига айланиб бораётган хусусий мулк-дорларнинг кенг қатлами яратишга эриш-моғимиз зарурлигига алоҳида ўрн берилган.

Ушбу қонун лойиҳаси Президентимизнинг жорий йилдаги «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривож-лантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармо-ни ҳамда «Иқтисодиётда хусусий мулкнинг улуши ва аҳамиятини ошириш чора-тадбир-лари тўғрисида»ги қарори асосида ишлаб чиқилган. Унинг соҳада юзага келган бугунги куннинг долзарб вазифаларини ҳал этишга йўналтирилганлигини инобатга олиб, фрак-цияси аъзолари қонун лойиҳасини биринчи ўқишда маъқулладилар.

**O'zLiDeP фракцияси аъзоси А.Назиркулов** сўзларига кўра, қонун лойиҳасига асосан қирққа яқин қонун ва бешта Кодексга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилган. Хусусан, тадбиркорлик субъектлари солиқ ва боғжона қонунчилигини бузганлиги муносаба-ти билан уларнинг мулкни мусодара қилиш, тўловчи томонидан эътироз бўлган тақдирда, қўшимча ҳисобланган боғжона тўловлари-ни ундириш фақат суд қарори билан амалга оширилиши белгилаб қўйилмоқда. Тадбир-корликнинг хўжалик судлари томонидан даъ-во аризасини кўриб чиқиш учун қабул қилиш ва ишни суд муҳокамасига тайёрлаш тўғри-сидаги ажрим чиқариш муддати 10 кундан 5 кунгача қисқартирилганлигини ҳам мамнуният билан эътироф этмоқдалар.

Мутахассислар қонунда назарда тутил-ган микрофирмалар, кичик қорхоналар ва фермер хўжаликларини фаолиятига оид барча текширувлар режали тартибда назорат орган-лари томонидан тўрт йилда бир мартадан кўп бўлмаган тартибда амалга оширилиши, моли-я-хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган режали текширувлар ўтказиш муддати 10 календар кундан ошмаслиги, тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини

режали текширишлар фақат сўнгги текши-рувдан кейинги даврни қамраб олиши ҳамда кўзатиладиган жиний ишлар муносабати би-лан хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти ҳуқуқини муҳофаза қилувчи органлар томони-дан хўжалик юритувчи субъект жалб этган ад-вокатлар иштирокида амалга оширилишининг белгилаб қўйилиши юртимизда қўлай бизнес муҳитини янада ривожлантиришга хизмат қи-лашини алоҳида эътироф этмоқдалар.

Қонун лойиҳасида тадбиркорлик фаоли-ятига тўксинлик қилгани ва ноқонуний ара-лашгани учун давлат, ҳуқуқини муҳофаза қи-лаш ва назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларининг жавобгарлигини кучайтиришга йўналтирилган аниқ нормалар киритилмоқда. Жумладан, хўжалик юритувчи субъектлар мо-лиявий-хўжалик фаолияти бўйича текширув ва тафтиш ўтказиш тартиби, давлат хизмат-лари кўрсатиш тартибини бузганлик, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини ва (ёки) уларнинг банк ҳисобварақлари бўйича ама-лиятларни ноқонуний тўхтатиб қўйганлик, тадбиркорлик субъектларига тегишли бўлган бинолар ва бошқа иншоотларни шу мулкнинг бозор қийматини қолпмасдан бузиб ташла-ганлик, хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисобварақларидаги мавжуд пул маблағлари тўғрисида ахборотни асоссиз равишда талаб қилганлик, хўжалик юритувчи субъектларни хайрия ишлари ва пул маблағлари ажратиш билан боғлиқ бошқа тадбирларга мажбурий жалб қилганлик ва бошқа ҳаракатлар учун маъмурий жавобгарлик қоралари кучайтирилмоқда.

Назорат қилувчи, ҳуқуқини муҳофаза қи-лаш ва бошқа давлат органларининг тадбир-корлик фаолияти эркинлигини ҳимоя қилиш соҳасидаги қонунчилигини кўп маротаба буз-ган мансабдор шахсларга нисбатан жиний жавобгарлик кучайтирилмоқда.

Юқори Чирчиқ туманидаги **«Тангрибер-ди ота» фермер хўжалиги раҳбари Камол Асанбоев** ушбу қонун лойиҳаси қишлоқ мулк-дорлари қутаётган тарихий ҳужжат бўлишини таъкидлади. Зеро, мамлакатимизнинг таънича ва устунига айланиб бораётган, ислохотлар самарасидан энг кўп манфаатдор бўлган ўрта мулкдорлар синфининг вужудга келиши ҳам айнан хусусий мулкка бўлган муносабат би-лан чамбарчас боғлиқ.

Биз мустақиллигимиз остонасида, ҳали со-биқ тоталитар тузум ўз кучи ва қувватини тўла намойиш этаётган пайтлардаёқ, Президентим-из юртимизда демократик давлат, овоз ва фар-овон ҳаёт қуришининг устувор вазифаларидан бири сифатида хусусий мулкчиликни ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни белгилаб берганликларини яхши эслаймиз. Ана шу давр-лардан бошлаб юртимиздаги ислохотлар изчил давом этмоқда.

Бунга биргина мисол келтирсак. Ислom Абдуғаниевич Ўзбекистон раҳбари этиб сай-ланганининг эртасигаёқ, яъни 1989 йилнинг 24 июнида ҳўкумат мажлисида «Биз бундан буён эсизча яшолмаймиз ва бундай яшашга замоннинг ўзи йўл қўймайди» дея ўз фикрини дадил баён этди ва республикани ривожлан-тириш бўйича кўп йиллик билим ва тажриба-сининг ифодаси бўлган, пухта ўйланган дасту-рини босқичма-босқич, қатъият билан амалга оширишга киришди.

Қисқа муддатда, мисли қўрилмаган шун-дай бир фавқуллода муҳим қарор қабул қи-линдики, унга қара, қарийб 2,5 миллион оилага томорқа участкалари учун сугориладиган 400 минг гектарга яқин ер ажратиб берилди. Бу қи-шлоққа хусусий мулкчиликнинг кириб келиши, ҳақиқий ер эгалари бўлган деҳқон ва фермер хўжаликларини жадал ривожлантиришда ўта муҳим аҳамият касб этди, десак муболага бўлмайди. Ушбу туб ўзгаришларнинг қўлими

ва моҳиятини тасаввур қилиш учун советлар-нинг 72 йиллик ҳўкмонлиги даврида аҳолига бор-йўғи 300 минг гектарга яқин ер ажратил-ганлигини кўрсатишининг ўзи kiffoф.

Мустақиллигимиз остонасида республи-камизда озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш борасида мавжуд улкан имконият-ларга қарамай, мамлакатимиз импорт тарки-бида озиқ-овқат маҳсулотларининг улуши 70 фоиздан ортинки ташкил этган. Аҳоли истеъ-моли учун зарур бўлган галланнинг 82 фоизи, гўшт ва гўшт маҳсулотларининг 60 фоизи, сут ва сўт маҳсулотларининг 60 фоизга яқини, картошканинг 50 фоизи четдан келтирил-ади. Бир сўз билан айтганда, мамлакатимиз собиқ социализмнинг лагери пахта билан де-ярли тўла таъминландиган ҳам ашё базасига айлантирилганлиги, экин майдонларимиз-нинг қарийб 90 фоизга пахта экилгани ҳеч-қимга сир эмас. Уша пайтларда Ўзбекистонда етиштирилаётган қарийб 6 миллион тонна пахтанинг атиги 8-10 фоиз ўзимизда қайта ишланарди.

Ҳозирги вақтда эса озиқ-овқат маҳсулот-ларининг 96 фоизи ўзимизда ишлаб чиқари-лаётир, аҳоли жон бошига гўшт истеъмоли 1,3 баробар, сут ва сўт маҳсулотлари — 1,6 қарра, картошка — 1,7 марта, сабзавот — 2 баробардан ортади, мева — қарийб 4 қарра қўлайди. Бунда, албатта, мамлакатимиз фер-мерларининг муносиб ишлари бор.

Ушбу қонуннинг қабул қилиниши биз, фер-мерларга янада катта имкониятлар ярати-б, халқимиз фаровонлиги, дастурхонимиз тўқун-лигини таъминлаш каби муҳим вазифаларни самарали ҳал этишга қўшаётган ҳиссамизни янада ошириш масъулиятини юклайди. Бир сўз билан айтганда, ушбу ҳужжатнинг қа-бул қилиниши партия-миз электорати бўлган тадбиркор ва фермерлар учун билдирилган ишонч-намуноси бўлади.

# МУНОСАБАТ

Ёшлар билан ишлаш бўлими:

## ЯРИМ ЙИЛЛИК ФАОЛИЯТ ТАҲЛИЛИ

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ▼

Шухрат РАҲИМОВ,  
«XXI asr»

Албатта, асосий шiorларимиздан бирига таянган ҳолда фикр юрирадиган бўлсак, биз учун сондан кўра сифатдаги муваффақиятлар муҳимроқ. Шу боис мазкур бўлимининг статистик маълумотларга жамланган ютуқларини фаолиятнинг асосий йўналишлари негизда таҳлил этишга ҳаракат қиламиз. Зеро, масала моҳиятига ана шундай ёндашганда ҳисобот даврида асосий эътибор Ўзбекистон Республикаси Президенти Исрол Каримовнинг О'zLiDeP VII Съезидидаги «Бизнинг мақсадимиз аниқ ва равшан — ҳеч кимдан кам бўлмаган фаровон ва бахтли ҳаёт барпо этиш» номили дастурий маърузасининг маъно-мазмунини ёшлар орасида кенг тарғиб қилишга қаратилгани ойдинлашади. Биргина шу йўналишда олти ой мобайнида 1026 та тadbир ўтказилиб, уларда 89 минг нафардан ортиқ ёшларни қамраб олишга эришилди.

Яна бир муҳим йўналиш — ёшларда тadbиркорлик кўникма ва малакаларини шакллантириш, уларни кичик бизнесга жалб этиш, битирувчиларнинг бандлигини таъминлаш жараёнида бевосита қатнашишдан иборат десак, муболаға бўлмайди. Зотан, партия электоратининг навқирон қатлами билан боғлиқ масалалар

айни шу йўналишдаги фаолиятда ўз ифодасини топган: ярим йилда жами 643 та тadbир ва салкам 48 минг нафар иштирокчи. Англаганингиздек, бу борадаги кўрсаткичлар ҳам чакки эмас.

Ёшлар билан ишлаш бўлими мутасаддиларининг расман маълум қилишича, жисмонан ва маънан соғлом, юқори малакали, мамлакатни янада ривожлантириш масъулиятини ўз зиммасига олишга қодир мутахассисларни тарбиялаш, уларнинг дунёқарашини бойитиш, мафкуравий иммунитетини кучайтириш мақсадида давра суҳбатлари, семинар-тренинглари, очиқ мулоқотлар тарзида яна 543 та тadbир уюштирилиб, ҳар бири ўзига хос аҳамият касб этган ушбу учрашувларда жами 37 минг нафарга яқин эртанги кун сиёсатчиси фаол қатнашган.


Биз бу ўринда «ўзига хос» таърифини бежиз тилга олмадик. Чунки бўлим томонидан ташкил этилаётган партиявий лойиҳалар чиндан-да ўзига хос. Тобора оммалашиб бораётган мазкур лойиҳаларнинг номларини санаб ўтишнинг ўзи улар ҳақида муайян таассурот уйғотади. Мисол учун, «Тadbиркорлик ва фермерлик ривожини — фаровон ва бахтли ҳаёт барпо этишнинг муҳим шарти» мавзусидаги форум ҳамда унинг доирасидаги «Лойиҳаларимиз: ёшларга, тadbиркорларга ва ҳар бир битирувчига» номили тақдимотларни олайлик. Давлати-

миз раҳбарининг О'zLiDeP VII Съезидидаги маърузасида белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлашга қаратилган ушбу форум аллақачон ўз самарасини кўрсатиб улгурди. Республикадаги фермерлик йўналиши мавжуд бўлган олий таълим муассасалари ва қишлоқ хўжалигига ихтисослаштирилган 156 та касб-ҳунар коллежида Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги О'zLiDeP фракцияси аъзолари, солиқ ва боғхона органлари, Марказий банк ва тижорат банклари вакиллари, илғор тadbиркор ва фермерлар иштирокида амалий мулоқот ҳамда ўқув-семинарлар ўтказилгани шундай натижага мустаҳкам замин ҳозирлади. Форумлар яқини бўйича олий ва ўрта махсус таълим муассасалари талабаларининг 300 нафарига махсус стипендиялар ажратилди.

Жорий йилда «Диплом билан — бизнесга» лойиҳасини янада самарали ташкил этиш, иштирокчиларнинг кўрсаткичларини янада яхшилаш мақсадида ҳамкор ташкилотлар билан янги таҳрирдаги қўшма қарор имзоланди. Лойиҳанинг туман-шаҳар босқичлари апрель-май, ўқув-семинар тарзида ташкил этилган вилоят босқичлари эса июнь-июль ойларида республикамизнинг барча ҳудудларида кўтаринки руҳда ўтказилди. Лойиҳанинг қўйи босқичларида қатнашган жами 17 мингга яқин битирувчи орасидан ҳамкор ташкилотлар мутахассислари кўмагида вилоят босқичларига 1700 нафари сараланиб олинди. 1475 нафар талабага тижорат банкларидан имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди. Лойиҳа доирасида ташкил этилган тadbирлар туфайли жами 1062 нафар ёш партия сафига қабул қилинди.

О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг қарорига мувофиқ ўтказилаётган «Ишбилармон талаба» кўрик-танловининг жорий йилги қўйи босқичларида касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларнинг жами 13 минг нафарга яқин талабаси қамраб олинди. Лой-

«Лойиҳаларимиз: ёшларга, тadbиркорларга ва ҳар бир битирувчига» лойиҳалар тақдими



иҳанинг вилоят босқичларида иштирок этган 488 нафар ёшдан 33 нафари республика босқичига йўллангани кўлга киритди.

«Хавфсиз интернет». Либерал-демократик гоялар тарғиботини фаол олиб бораётган ёшларнинг навбатдаги истиқбол-лоийҳаси ана шундай номланган. Мазкур лойиҳанинг 2015 йилдаги тadbирлари ҳар қачонгидан-да жиддий эътибор қаратилди. Бу ҳақда газетамизнинг аввалги сонларида туркум мақолалар, махсус саҳифалар чоп этилгани ҳам бежиз эмас. Рақамлар тили билан умумлаштириб айтганда, жорий йилнинг июнь ойи давомида республикамизнинг 14 та ҳудудига «Интернет қўйи босқичларида қатнашган жами 17 мингга яқин битирувчи орасидан ҳамкор ташкилотлар мутахассислари кўмагида вилоят босқичларига 1700 нафари сараланиб олинди. 1475 нафар талабага тижорат банкларидан имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди. Лойиҳа доирасида ташкил этилган тadbирлар туфайли жами 1062 нафар ёш партия сафига қабул қилинди.

«Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш

Концепцияси» ҳамда О'zLiDeP Дастурида назарда тутилган устувор вазифаларни бажариш, партиянинг ёшлар қатлами орасидаги сиёсий имижини ошириш, кадрлар захирасига иқтидорли ёшларни танлаш ҳамда уларнинг касбий, ижодий ва хизмат пилла-полярларида ўсиши учун имконият яратиш мақсадида Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг «Ёш партия етакчилари — келажак кадрлари» лойиҳасини ўтказиш тўғрисидаги қарори 2015 йилнинг 8 июнида қабул қилинган эди. Ана шу қарор асосида ўтган вақт давомида мамлакатимизнинг 33 та олий таълим муассасасида турли анжуманлар, давра суҳбатлари ҳамда конференциялар ташкил этилди. Мазкур тadbирларда қатнашган уч минг нафарга яқин қатнашган 700 нафар партия кадрлар захирасига киритилди.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, 2015 йилнинг олти ойи мобайнида мазкур бўлим ва партиянинг ҳудудий кенгашларидаги «Ёшлар қаноти» гуруҳлари ташаббуси билан ташкил этилган тadbирларнинг 365 таси марказий ва маҳаллий оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилди. Жумладан, «Ахборот» информацион дастурида 21 та, «Давр» информацион дастурида 29 та, маҳаллий телерадио каналларда 315 та таҳлилий лавҳа эфирга узатилди. Шунингдек, «XXI asr» ижтимоий-сиёсий газетасида 108 та, партия веб-сайтида 69 та мақола чоп этилди.



## Малакага кўп нарса боғлиқ

О'zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши ташаббуси билан Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йилнинг 12 июндаги «Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тadbирлари тўғрисида»ги фармони ижросини таъминлаш ҳамда партиянинг навқирон вакиллари сиёсий савиясини оширишга бағишланган давра суҳбати уюштирилди. — Давлатимиз раҳбарининг мазкур фармони олий таълим соҳасидаги профессор-ўқитувчиларнинг янги, билимли, ҳар томонлама тажрибали авлодини шакллантиришга йўл очиб беради, — дейди партия ҳудудий кенгаши бўлим мудири, Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғи Кенгесидаги О'zLiDeP фракцияси аъзоси Ойжамол Юсупова. — Бизни қувонтирадиган жиҳати, институт профессор-ўқитувчилари, шу жумладан, ёш педагоглар орасида О'zLiDeP фаоли бўлган олимпиадалар кўпчилигини ташкил этади. Давра суҳбатида уларнинг малакасини ошириш, электротар билан мулоқотини кенгайтириш, бу борада матбуот, телевидение ва радио имкониятларидан фойдаланишни такомиллаштириш юзасидан амалий чоралар белгилаб олинди.

Янгибой ҚўЧҚОРОВ,  
«XXI asr».

## Ишбилармонларнинг «Сўғдиёна»даги очиқ мулоқоти

Кундан-кун чирой очиб бораётган Жиззах шаҳрига кўрк бўлиб тушган, халқаро стандартларга мос равишда янги бунёд этилган «Сўғдиёна» стадиони бу сафар тadbиркорларни ўз бағрига чорлади. Ҳудудда қизгин давом этаётган бунёдкорлик жараёнининг намунаси бўлган муҳташам иншоотда Жиззах вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан тadbиркорлар учун очиқ мулоқот ташкил этилди

Баҳром МИРЗАҚОБИЛОВ,  
«XXI asr»

Унда Президентимизнинг «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тadbирлари тўғрисида»ги фармони, «Иқтисодиётда хусусий мулкнинг улуши ва аҳамиятини ошириш чора-тadbирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш билан боғлиқ масалалар атрофича муҳокама этилди.

Тadbирда таъкидланганидек, вилоят иқтисодиётида кичик бизнеснинг роли тобора ортиб бормоқда. Хусусий

секторнинг иқтисодиётдаги улуши sanoat соҳасида 41,9 фоиз, қишлоқ хўжалигида 100 фоиз, қурилишда 92,6 фоиз, пуллик хизмат кўрсатишда 43 фоиз, инвестициялар ҳажмида 44,9 фоизни ташкил этганлиги вилоятда тadbиркорлик жадал ривожланиб бораётганидан далolat беради. Йилнинг ўтган даврида тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига 191,3 миллиард сўм миқдорда кредит маблағлари ажратилди. Бу 2014 йилнинг шу даврига нисбатан 22 фоиз кўпдир.

Ўтган даврда вилоятда яратилган 24 миңдан ортиқ иш ўрнининг 83 фоизи кичик бизнес соҳасига тўғри келади. Вилоятни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган манзилли дастурга кўра, жорий йилда тadbиркорлик субъектлари томонидан қиймати 658,8 миллиард сўмлик 1629 та лойиҳа амалга оширилиши белгиланган.

Шу билан биргаликда соҳада ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар мавжудлиги сир эмас. Уларнинг сабабларини излаш, ечимини топиш барчадан ўз вазифасига масъулият билан ёндашишни талаб қилади. Очиқ мулоқот давомида кўллаб тadbиркор ва фермерлар мазкур масалалар билан бевосита мутасадди ташкилот раҳбарларига мурожаат қилишга муваффақ бўлдилар. Энг аҳамиятлиси, мавжуд муаммолар атрофича таҳлил қилиниб, қисқа муддат ичида уларни бартараф этиш чора-тadbирлари ҳам белгиланди.

— Бугунги тadbир шуни кўрсатдики, — дейди О'zLiDeP вилоят кенгаши ташкилий-партиявий

ишлар бўлими мудири Шерзод Мамақулов, — партияимиз электорати негизи ҳисобланган ишбилармонлар ҳар бир масалада ўз фикр ва қарашларига эга. Мулоқот давомида улар томонидан нафақат умумолар айтиб ўтилгани, балки кўллаб амалий таклифлар ўртага ташлангани сўзимиз исботидир. Бизнинг асосий вазифамиз эса партияимиз дастури ҳамда Сайловолди платформасидан келиб чиққан ҳолда бу борада уларни ҳар томонлама кўллаб-қувватлашдан иборат.

Бўлиб ўтган очиқ мулоқот тadbиркорлар фаолиятини янада ривожлантириш, уларнинг мавжуд муаммоларини ҳал этишда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз. Шу сабаб бундай учрашувларни доимий равишда ўтказиб боришга келишиб олинди.

Бўлиб ўтган очиқ мулоқот тadbиркорлар фаолиятини янада ривожлантириш, уларнинг мавжуд муаммоларини ҳал этишда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз. Шу сабаб бундай учрашувларни доимий равишда ўтказиб боришга келишиб олинди.

Бўлиб ўтган очиқ мулоқот тadbиркорлар фаолиятини янада ривожлантириш, уларнинг мавжуд муаммоларини ҳал этишда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз. Шу сабаб бундай учрашувларни доимий равишда ўтказиб боришга келишиб олинди.

Муҳаммадҷон АҲМАДЖОНОВ.

## Амударё тўлганган тун

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ▼

Янгибой ҚўЧҚОРОВ, «XXI asr»

Собиржон Тожимов бош ҳосилот лавозимида ишлаётган хўжаликда ёппасига чигит экишга киришилган. У «соцреализм асосисини» деб тан олинган мўйловдор адиб номига қўйилган. Ўзбекистонда мазкур ном билан юриртиладиган хўжаликлар кўп эди. Аммо иқтисодий салоҳияти бўйича Амударё туманидаги ушбу жамоа билан беллашадигани жуда кам. Ҳар йили давлатга 20 минг тонна қимматбаҳо sanoat хом ашёси, бошқа-ча айтганда, Қорақалпоғистоннинг айрим шимолий туманлари

уядиган хирмонга қараганда 2 баравар, ўзи билан чегарадош хўжаликларнинг ялпи ҳосилидан 5 баравар кўп пахта беради.

Бош ҳосилот насос станциясига келишдан аввал хўжаликнинг 8 бўлимини (ҳар бўлимининг ер майдони бир жамоа хўжалиги ҳудудидан катта) ҳам айланаб чиқди. Тушликда машхур пахтакор Йўлдош Ҳўрбоевнинг хонадонига пиширилган «анжир палов»дан тўрт қошиқ еди-да, яна картама-карта кетаверди. Орада пахтачилик илмининг билимдонларидан бири Йўлдош Шўлоқовнинг ҳузурига маслаҳатга ҳам бориб келди. Охирида дарё сатҳи, насослар ишини яна кўриб қайтди.

Уйга кирганида хотини қарши олди. Рафиқасининг юзидagi ташвишдан сездики, онасининг ахволи оғирлаша оғирлашган, яхшиланмаган. Онаси ётган хонага кириб, 79 яшар Нозигул аянинг пахтадек оқ сочларини меҳр билан силади. Тўлғаниб ётган она бир нарсалар демоқчи эди.

— Сизга сўзлаш мумкин эмас, онажон. Қийналиб қоласиз. Яхшиси мен сизга тажрибали врач Абдулла Мадаминовни чақириб келаман. Қилни қирқ ёрадиган шифокор. Озгина сабр қилинг. Илоҳи бўлса ухлаб олинг! — деди-да ташқарига йўл олди. Дахлизда ўнг туфлисини кийиб улгурмасидан ташқи эшик тарақлаб очилди. Ичкарига ички ишлар ходимлари ва моширанг куртка кийган барвасата киши кириб келишди. Курткали киши кўкрак чўнтагидан алвон муқовачали гувоҳнома олиб, кўрсатди:

— Фуқаро Собир Тожимов! Сиз жиноий ҳаракат қилганликда айбланиб, ҳибсга олиндингиз!

Дастлаб Собиржоннинг тили айланмай қолди. Бу саратоннинг қирқ даражали иссиғида икки қарич қор ёққандек кутилмаган ҳол эди. Икки йилдирки, «Пахта иши» бўйича тергов кетаётганидан, Каракозов, Гдлян, Иванов, Карташян, Волосенко, Глушченко каби пихини ёрган терговчилар туманма-туман кезиб, саркотиб ва раисларнинг гўёки сирли оптинларини ахтараётганидан бохабар эди. Нега энди унинг қўлини қайриб кишан солишгапти? Ахир, пахта учун хўжалиқ раҳбари, бўлим бошқарувчиси, бригадир жавобгар-ку? Бош ҳосилотнинг нима айби бор? У фақат экиш, парваридида агротехника қондаларига рисоа қилинишига масъул-ку. Туяни шамол учирса, эчкини осмонда кўр, деган гап тўғри экан-да!

— Мени ҳибсга олиш учун орденингиз борми?  
— Бор. Кеченчо, на всякий случай икки копия қилиб ёзди-ганми!

— Онам оғир касал эди. Хайрлашиб чиқай!  
— Давлат мулкани талон-торож қилганинг исботини топмаса, тез қайтиб келасан. Сен, великий агроном, мени дурак деб ўйлаясанми? Ана, энг ашаддий порахўр обком котиби кийиниб чиқаман, деб қирқ жойига пичоқ уриб ўлиб кетди. Сен ҳам шундай қилмоқчимисан? Отставкай. Давай, на выход!

Собиржон тез қайта олмади. 14 кундан кейин онаси оламдан ўтди. Жаноза ўқилаётганда қамқонанинг қоронғу камерасида ўтирар эди. Мусибатни камерадоши, эллиққальалик Олимбой Примов айтди. Солиқ саркотиб таъзия билдириб, Кўрғони қаримдан оят ўқиди.

— Сендан биттагина нарса талаб қилинади, иним, — деди Олимбой ака. — Фақат синмаслик. Таёқ синса иккинчи, учинчи таёқ топилиши мумкин. Лекин Собиржон синса, иккинчи Собиржонни топиб бўлмайди. Ҳар қандай шароитда ҳам ўзингни йўқотма. Мана, менга Жиноят кодексининг қатор моддалари билан айб қўйиб, жиноий ишни очишди. Сохта айбловларни фош қилсам, Глушченко деган муттаҳам кўшимча ишни очди. Қозончининг ҳақи бор қайдан кулоқ чиқарса, дейдилар. Сен улар билан асло ўчакшишма. Ёлгон ваъдаларига ҳам ишонма. Навоий бобомиз келиштириб айтган: «Гар итинг дебдур Навоий қилмади меҳмонлигим, Кеча тишлаб-тишлаб олгон жисми афғорим недур?». Ҳақиқат эглилиши мумкин. Лекин синмайди. Биз барибир бу ердан чиқамиз!

Олимбой аканинг ҳақиқат қарор топишига ишонгани бежиз эмас экан: айтганларининг бари рўёбга чиқди. О.Примов ҳам, унинг устозлари Қаллибек Камолов, Ережбек Айтимуратов, Қосим Нурумбетов, Олимбой Ражабов ҳам, Собиржон Тожимов ҳам, «Пахта иши» бўйича жиноий жавобгарликка тортилган амударёлик фуқаролардан Собир Бобоҷонов, Умар Йўлдошев, Йўлдош Файзуллаев, Исмоил Дуйёсенбоев ва бошқалар ҳам тўлиқ оқланди. Чунки ўзбекистон давлати ўлгон нохаж қамалганларни овоз қилиш ишига бош-қош бўлиб турганди... Аммо Мангит пахта тозалаш заводининг навқирон директори Озод Бобоҷонов ҳибсдалигидега вафот этди. Азиз ота-онаси, гулдек рафиқаси, ширин-шакар фарзандлари фарёд чекиб қолаверди.

Собиржон Тожимов ҳибсхона дарвозасидан чиқиб, Аллоҳ яратган бу ёрўқ оламнинг тоза ҳавосидан кўрагини тўлдириб-тўлдириб нафас олар экан, хаёлидан ўтганини эслаб қолди: «Хом сут эмган бандалар бунчалар бир-бирини қийнаб, эзиб, ҳақоратлаб роҳат топмаса. Бу гўзал дунёда роҳатланиш мумкин бўлган бошқа эзгуликлар, гўзалликлар озмай!».

... кўп ўтмай Собиржон Тожимов ва миллион-миллион ватандошларимиз учун мустақиллик тонги отди. Ўтган йиллар ичида Ўзбекистон асрларга татигулик улугвор ишларни амалга оширди. Собиржон ака ҳам истиқлолнинг ана шу ҳаётбахш ҳавосидан баҳра олиб, тинчликка, тўқин турмушга шукрона айтиб яшапти. Бироқ Амударё тўлгонган ўша туни уни тиб бўлармиди? Тарихий хотирасиз келажак йўқ, дегани шу бўлса керак...

2015 йил, май.

# ПАРТИЯВИЙ ЛОЙИХАЛАР

## «ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКДАН — МУСТАҲКАМ ОИЛАГА»



**Ушбу партиявий лойиҳани муваффақиятли амалга оширишга O'zLiDeP Андижон вилоят кенгаши ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда**

**Эльмира РАҲМОНОВА,**  
«XXI asr»

2012 йилдан бошлаб ўтказилаётган мазкур лойиҳа доирасида ташкил этилган республика миқёсидаги ўқув-машғулларда ўтган давр мобайнида 62 минг нафардан зиёд хотин-қиз иштирок этди. Тижорат банклари томонидан 800 нафар иштирокчига 9 миллиард сўмга яқин кредитлар ажратилиб, салкам 4 минг нафар аёл иш билан таъминланди.

2015 йилги лойиҳа доирасидаги ўқув-семинарнинг Андижон вилоят босқичида 80 нафар иштирокчи бизнес-режаси билан қатнашди. Унга тақлиф этилган ташкилот ва корхона вакиллари оилавий тадбиркорликнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари, деҳқон хўжалигига асосланган бизнесни ривожлантиришда сугурта бозори, молия муассасаларининг ўрни, кредит маблағини олиш ва ундан самарали фойдаланиш, гаров ҳужжатларини расмийлаштириш тартиби тўғрисида тушунча берди.

Экспертлар танлов иштирокчиларининг ҳар бир бизнес-режасини муфассал ўрганиб чиқди. Шунингдек, уларнинг сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий саводхонлигини ошириш, хусусий тадбиркорлик соҳасига инновацион билимларини киритиш, пировадидан янги иш ўринлари яратиш бўйича тушунчаларини ҳам синдовдан ўтказди.

Семинар давомида «Кичик бизнес субъектларини ривожлантиришда аёлларнинг роли», «Тадбиркорлик фаолиятига тааллуқли қонун ва ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар билан ишлашнинг ўрни», «Оилавий корхоналарнинг солиқ соҳасидаги имтиёз ва преференциялари ҳамда улардан фойдаланиш», «Ҳозирги кунда божхона органлари томонидан яратилаётган қўлайликлар» мавзуларида давра суҳбатлари ҳам ўтказилди.

Тадбир якунида долзарб ва ҳаётий деб топилган бизнес-режа муаллифларидан 51 нафарига жами 792 млн. сўмлик имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди.

Ҳар бир жамиятнинг маънавий қиёфаси, тараққиёт даражаси аёлларга бўлган муносабатидан намоён бўлади. Чунки оила тўқислиги, фаровонлиги, фарзандлар тарбиясида аёлларнинг ўрни беқиёс. Шу боис истиқлол йилларида мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада кучайтириш, уларда тадбиркорлик ва ишбилармонлик кўникмаларини шакллантириш, кичик бизнес ва оилавий тадбиркорлик, хунармандчилик ва касаначиликка кенг жалб этиш, ҳуқуқий билимларини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда

**Баҳром МИРЗАҚОБИЛОВ,**  
«XXI asr»

Жумладан, O'zLiDeP томонидан ҳам аёллар бандлигини таъминлаш, уларнинг тадбиркорликка оид илғор ғоя ва ташаббусларини ҳаётга татбиқ этишга кўмаклашиш мақсадида бир қатор амалий саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Шулардан бири «Оилавий тадбиркорликдан — мустаҳкам оиллага» лойиҳасидир.

O'zLiDeP Жиззах вилоят кенгаши Аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими томонидан ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ташкил этилган мазкур лойиҳанинг бу йилги вилоят босқичи Жиззах давлат педагогика институтида бўлиб ўтди.

Мазкур лойиҳа моҳиятан мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш фаолиятини самарали ташкил этишга қўлай шароитлар яратиш, аҳоли, аввало, ёшлар ва аёллар орасида тадбиркорликни тарғиб қилиш, уларнинг сиёсий-ҳуқуқий, иқтисодий маданияти, саводхонлигини ошириш, хусусий ва кичик бизнесга инновацион технологияларни киритиш, пировадидан янги иш ўринлари яратиш каби масалаларни қамраб олган.

Лойиҳани амалга ошириш жараёнида Ўзбекистон Республикасининг «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонуни мазмун-моҳиятини кенг оммага, хусусан, хотин-қизларга етказиш, улар орасида тадбиркорликнинг янги ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатида оилавий бизнесни кенг ёйишга жиддий эътибор қаратилди.

— Ушбу лойиҳанинг ўзига хос томони шундаки, — дейди вилоят «Қалб нури» ахборот-маслаҳат маркази раҳбари, O'zLiDeP вилоят кенгаши раиси ўринбосари Нодира Алимова, — унда аёлларнинг биринчи гадаги вазиёси деб қаралган фарзанд тарбияси билан бир қаторда уларнинг жамиятда, илм-фан ва ижтимоий-иқтисодий соҳалар ривожидида фаоллигини ошириш, тадбиркорлик, фермерлик, касаначилик, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг барча бўғинларида муносиб улушларини қўйишлари учун зарур шарт-шароитларни яратиш чора-тадбирлари муҳим.



Ҳамсуҳбатимиз фикрида жон бор. Тадбир давомида турли хил соҳа вакилларининг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, жумладан, оилавий тадбиркорликнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари, яратилган имтиёз ва преференциялар, улардан фойдаланиш йўли-ўйриқлари», «Солиқларни унутманг!», «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, оилавий корхона, шунингдек, юридик шахс ташкил этмасдан оилавий бизнес билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларини молиялаштириш», «Имтиёзли кредитларнинг турлари, кредит ҳужжатларини расмийлаштириш тартиблари», «Гаров таъминоти турлари, гаров ҳужжатларини расмийлаштириш» каби мавзулардаги чиқишлари лойиҳа иштирокчилари томонидан катта қизиқиш билан қўлиб олингани айнан шу жиҳат билан ифодалани мумкин.

Бу баҳс-мунозаралар, айниқса, бизнес-режалар тақдимида жараёнда авж олди. Чунки иштирокчилар бизнес-режалар тақдимида қатнашар эканлар, оилавий тадбиркорликнинг ташкилий ва ҳуқуқий асослари, деҳқон хўжалигига асосланган оилавий бизнесни ташкил этиш ва ривожлантиришда сугурта бозори, банк муассасаларининг ўрни ва роли, кредит маблағини олиш ва ундан самарали фойдаланиш, гаров таъминоти ҳужжатларини расмийлаштириш каби масалаларда мутахассисларга кўплаб саволлар билан мурожаат қилди.

— Тадбирда вилоятимизнинг чек-

ка ҳудудларида истиқомат қилаётган аёлларнинг, шунингдек, касб-хунар коллежлари битирувчиларининг фаол иштироки кишини қувонтирмай қолмайди, — дейди O'zLiDeP вилоят кенгаши Аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими раҳбари Феруза Қаримова. — Лойиҳанинг шахар ва туман босқичларида шу бугунга қадар 450 нафар хотин-қиз иштирок этди, уларнинг 14 нафари жами 288 млн. сўмлик кредит маблағларини олишга муяссар бўлишди. Хусусан, Жиззах туманида истиқомат қилувчи Муҳаббат Мансурова «Микрокредитбанк»дан олинган 28 млн. сўмлик маблағ эвазига миллий хунармандчилик йўналишида ўз тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйган бўлса, ғаллароллик Насиба Илқиева 50 млн. сўм кредит олиб, тикувчилик цехини кенгайтиришга муваффақ бўлди. Коллеж битирувчиларидан зоминлик Дилфуза Темурова ҳамда мизрачўлик Рухсора Бобоева эса 7,1 млн. сўмдан кредит маблағлари ҳисобига жойларда чорвачиликни ривожлантиришга ўз хиссаларини қўшмоқдалар.

Тадбир якунида иштирокчи хотин-қизлар томонидан лойиҳа ташкилотчилирига берилган саволлар, билдирилган фикр-мулоҳазалар келгусида қилинадиган ишлар кўламини белгилашда муҳим аҳамият касб этиши алоҳида таъкидлаб ўтилди.

### Қўшалок лойиҳалар

**Кўплаб иш ўринлари яратиш ва хариддоригр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга имконият яратмоқда**

Ҳар йили тадбиркорлар сонининг кўпайиб бораётгани мамлакатимизда яратилаётган қўлай ишбилармонлик муҳитининг мевасидир. Биргина Самарқанд вилоятида жорий йилги ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурига мувофиқ санат йўналишида 603,4 млрд. сўм миқдоридagi 406 та лойиҳа амалга оширилди. Йил охирига бориб ушбу корхоналарда 12 минг 366 нафар аҳоли иш билан таъминланади.

Қувонарлиси, азму шижоатли юрдошларимиз мазкур лойиҳалар билан кифояланиб қолмасдан, икки-уч йўналишда фаолият юритидагидан янги корхоналарга асос солишгаётди. Самарқанд туманида ишга туширилган «Гулнозабону престиж» МЧЖ шулардан бири. — Одий ниҳол ҳам шароит яхши жойда униб-ўсади, — дейди корхона таъсисчиси Акмал Асадов. — Бинобарин, юртимизда тадбиркорларга яратилган қўлайликлардан ҳар қанча фохрланасан арзийди. Жорий йил бошидан биратўла учта лойиҳани бошлаб юборганимиз боиси ҳам ана шунда. Оз фурсатда турли ёшдагилар учун тайёрланаётган трикотаж матоларидан кийим-кечаклар, қопилли нон ва нон маҳсулотлари, пиширилган ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Энг муҳими, маҳсулотлар учун хом ашё қидириб ўзоққа боришининг ҳолати йўқ. «Дақта-тех», «Жомбой-тех» ҳамда «8-Март» корхоналаридан сифатли матоларни олаёламиз.

Ҳар уч лойиҳани келгусида янада кенгайтириш мумкин. Айни пайтда кийим-кечакларни хорижга экспорт қилиш режаси якунига етай деб қолди. Маҳсулотларимизга америкалик тадбиркорлар қизиқиш билдиришапти. Катталар ва болалар учун алоҳида «Stan Color» ва «mini-max» брендлари устида ишлаёламиз. Ички бозорда ҳам маҳсулотларимизга талабдор кўп. Чунки нархи арзон. Айни пайтда тикувчилик йўналишида 20 нафар коллеж битирувчиси амалиёт ўтамоқда. Ундан муваффақиятли ўтганлар жамоада мўлим ишлаб чиқаришни мумкин.

Иккинчи лойиҳа бўйича эса кунига 3,5 тоннагача қопилли нон ва нон ишлаб чиқариш қувватига эга цехда тайёрланаётган маҳсулотлар шартнома асосида мактабга таълим муассасаларига етказиб берилаяпти. Хилма-хил пиширилган ҳам харидорлари етарли. Улар элимизнинг яхши кунлари, тўй ва байрам дастурхонларига кўрк бағишлаётди.

**Муҳаббат РАВШАНОВА.**

## Қаҳрамоннинг ойдин йўли

**Мамлакатимизда кичик бизнес ривожини учун яратилаётган шарт-шароитларнинг қиёси йўқ. Бунинг натижаси ўлароқ юрдошларимизнинг ишбилармонлик қобилияти тобора кенгроқ юзага чиқмоқда. Бунинг «Мевазор мебель сервис» хусусий корхонаси раҳбари, партияимиз маслақдоши Қаҳрамон Кўпайсинов мисолида ҳам кўриш мумкин**

**Дилора ЭСОНОВА,**  
«XXI asr»

Мазкур корхона Гулистон туманида ўз фаолиятини бошлаганига ҳали кўп фурсат бўлгани йўқ. Дастлаб ишни оддий уй жиҳозларини таъмирлашдан бошлаган тадбиркор ўз фаолиятини аста-секин такомиллаштириб борди. Усталар пойтахтдаги йирик мебеласозлик корхоналарида ўз маалакарини ошириб қайтишди.

Айни пайтда корхонада идора ва муассасалар учун мўлжалланган жиҳозлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. 40 турдаги маҳсулот тайёрланаётган корхона цехига бугун замонавий асбоб-ускуналар ўрнатилиб, барча жараёнлар тўлиқ автоматлаштирилган.

— Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларимизнинг сифатли ва хариддоригр бўлишига алоҳида эътибор қаратамиз, — дейди «Мевазор мебель сервис» хусусий корхонаси раҳбари Қаҳрамон Кўпайсинов. — Шу боис бу соҳада етарли тажриба ва маалакага эга усталарни жалб қилганимиз.

Бу йил корхона ўз маҳсулот-

лари билан «Ташаббус-2015» кўрик-танловининг вилоят босқичида қатнашди. Ҳакамлар ҳайъатининг эътирофига сазовор бўлган корхона танловнинг «Йилнинг энг яхши тадбиркори» номинацияси бўйича иккинчи ўринни қўлга киритди.

— Бу танловда иштирок этганимдан мамнунман, — дейди суҳбатни давом эттириб Қ.Кўпайсинов. — Чунки бир қатор ишлаб чиқариш субъектлари фаолияти билан танишдим. Маҳаллий тадбиркорларимиз томонидан замонавий дизайн асосида тайёрланаётган бир-биридан кўркам маҳсулотларни кўрдим. Бу келгуси фаолиятимиз учун ибрат мактаби бўлди. Муҳими, вилоятимизда санатнинг мазкур тармоғи йил сайин ривожланиб бораётганини ҳис қилдим.

«Мевазор мебель сервис»да буюртма асосида маҳсулот тайёрлаш йўлга қўйилди. Бу билан корхонада ёшлар учун яна бир нечта иш ўринлари яратилди. Мижознинг тақлифига кўра усталар жиҳоз қўйиладиган жой ўрнини ўлчаб келишади. Сўнг буюртмачининг талабига мос мебель тайёрлашга кири-



шилади.

— Уй жиҳозларимизни янгилаш мақсадида «Мевазор мебель сервис» хусусий корхонаси буюртма берганимиз, — дейди гулистонлик уй бекаси М.Дониёрова. — Корхона усталари тез кунда буюртмани бажариб, жиҳозларни уйимизга олиб келиб ўрнатиб кетишиди. Мебеллар хонадонимизга ўзгача шинамлик ва чирой бахш этди.

Умуман олганда, корхона ишлаб чиқарувчилари томонидан яратилаётган бундай имкониятлар мижозлар диди ва талабига мос келмоқда. Шу туфайли Қаҳрамон Кўпайсинов хусусий корхонаси маҳсулотлари истеъмол кредити асосида сотишни йўлга қўйишга аҳд қилди. Бу аҳоли учун қўшимча қўлайлик ҳамда имконият тўғрисида.

## Ҳаракатда — баракат

**Ушбу қоидага амал қилиб келаётган «Шахлия» хусусий корхонаси раҳбари Шохиста Мадиярова Ангрендаги кўзга кўринган тадбиркорлардан бирига айланди**

**Дилноза НОМЗОВА,**  
«XXI asr»

Юртимиз — чеварлар ўлкаси. Миллий тикувчиликнинг ўзига хос аъённалари, турлари мавжуд. Зукко ва қўли гул момолардан мерос қадрият эндиликда янада бойитилиб келинаётди.

— Тадбиркорлик соҳасига киришимиздаёқ буюмининг тез-тез тилга олиб турадиган «Ҳаракатда — баракат» деган сўзларини ўзимга шир қилиб олганим, — дейди Шохиста опа. — Утган йиллар мобайнида фақат пешона тери эвазига топилган ризқ-рўзгина хонадонга баракат келтиришига амин бўлдим. 2001 йилда икки нафар шогирдим билан иш бошлаганман. Икки-уч йилда дастохларни янгилаш, корхона ишлаб чиқариш қувватларини оширишга етулик даромад олди. 2010 йилга келиб айланма маблағимиз 100 миллион сўмдан ортди.

Дарҳақиқат, шу тариқа қўли гул чевар етакчилигидаги хусусий корхона эл назарига тушди. Ўзига хос миллий либослар яратиш, турли кўрғазмаларда иштирок эта бошлади.

«Ташаббус-2011» кўрик-танловда «Энг яхши тадбиркор аёл» номинацияси бўйича совринли ўрин, орадан бир йил ўтга «Энг яхши хунарманд» номинацияси бўйича учинчи, кейинги йили эса ушбу йўналишда фахрий ўрнини эгаллади.

Шогирдсиз устознинг мевасиди дарахтдан фарқи йўқ. Ушбу ўғитини ҳам Шохиста опа буювсидан кўп бор эшитган. Шу боис ҳар йили коллеж битирувчиларидан соҳага ихлосмандларини саралаб, ўзи билган сир-асрорларни ўргатишга киришади. Уларнинг мустақил иш юритишига яқиндан кўмак беради. Корхонасида ҳам «Устоз-шогирд» аъённаси яхши йўлга қўйилган. Тажрибали чеварлар қанчадан-қанча қизларга касб-хунар ўргатиб, катта ҳаётга йўлланма бермади, дейсиз.

Опанинг ушбу саъй-ҳаракатлари ўтган йили «Тадбиркор аёлнинг энг яхши лойиҳаси» кўрик-танловда фаол иштирок этиб, унинг республика босқичида 1-ўринни эгаллашига замин хозирлади. Натيجида яна

150 млн. сўм миқдоридagi имтиёзли кредитни қўлга киритишга муяссар бўлди.

— Ушбу маблағ эвазига янги румудга 25 та тикув дастохини сотиб олдим, — дейди Шохиста опа. — Корхонамизда қўшимча 25 та иш ўрни яратилди. Тўғрисиини айтсам, ходимларнинг ҳаракатчанлигини кўриб, дилмин яйраб кетади. Насиб этса, яқин йилларда маҳсулотларимизни хорижга экспорт қила болаймиш. Шундай дейиш учун бугун барча асосларга эгамиз. Фақат тинимсиз изланиб, муваффақиятлардан хотиржамликка берилмасак бас.

Шохиста Мадиярова O'zLiDeP Ангрен шаҳар кенгаши раисининг ўринбосари сифатида партиянинг мавқеини оширишга оид лойиҳаларини амалиётга жорий этишда ҳам жонбозлик кўрсатаётди. Биргина «Оилавий тадбиркорликдан — мустаҳкам оиллага» лойиҳаси доирасида шаҳарда жорий йилнинг ўтган даврида 26 та тадбир уюштирилиб, 8 нафар аёлга 800 млн. сўм миқдорда имтиёзли кредит олишга кўмаклашилди.

«XXI ASR» 31 (611)-son, e-mail: xxi\_asr@mail.ru

**Азалий ва умумий бир қонун бор: оламдаги ҳар қандай унсур ё олға илгарилаб, узлуксиз ривожлана боради, ё бўлмаса бетўхтов орқага кетиб, тушкунликка юз тутати. Учинчи йўл йўқ — ҳеч нарса муаллақ, қотиб қолган тарзда мавжуд бўлолмайди. Шу маънода олиб қаралганда, O`zLiDeP Самарқанд вилоят кенгаши таркибидаги бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини қандай баҳолаш мумкин?**



## ТАЯНЧ ТУЗИЛМАЛАРНИНГ ТАЪСИР КУЧИ

Муҳаббат РАВШАНОВА, Бехзод ИСРОИЛОВ, «XXI asr»

Жорий йилнинг биринчи ярмида мазкур вилоятда ҳам партия куйи бўғинлари фаолиятини кучайтиришга катта аҳамият қаратилди. Бундай эътиборнинг сабаби эса барчамизга яхши маълум — БПТ партиянинг таянч нуқтаси. Хусусан, дастурий ҳужжатларимизни амалга оширишда ҳеч бир бўғин аҳолининг турли қатламлари билан юзма-юз иш олиб боровчи бошланғич ташкилотлардек катта имкониятларга эга эмас. Қайд этиш

услубларидан биридир. Аслида чинакам партия ана шундай йўл тутати. Яъни омма фикрига таянади, одамлар сўзларига қўлоқ солади. Сиёсий Кенгаш Ижроия қўмитаси топшириғига биноан ҳудуддаги туман (шаҳар) кенгашлари ходимлари, депутатлар жойлардаги ташкилот ва муассасаларга, маҳаллаларга ташриф буюраётганлар. Айниқса, ёшлар аудиториялари билан ишлашга ниҳоятда муҳим эътибор қаратилаяпти. Бу жараёнда аҳолига дастурий мақсад ва вазифаларимиз тўғрисида атрафлича тушунчалар берилаяпти, O`zLiDeP фаолиятига доир тақриф ва тавсиялар қайд этилмаяпти, электротат дуч келаётган

устувор йўналишларнинг амалга таътиқ қилинишига қўмаклашиш учун бизга кучли, ҳар томонлама мукамал бошланғич ташкилотлар керак. Чунончи, хусусий мулк ва хусусий тадбиркорлик ривожини йўлидаги барча гов-тўсиқларни олиб ташлаш, шунингдек, аҳоли бандлигини таъминлаш, биринчи навбатда, касб-хунар коллежалари битирувчиларини ишга жойлаштириш сингари долзарб вазифалар амалга оширилишида куйи ташкилотлар муҳим роль ўйнаши даркор. Шу ўринда бир камчилигини айтиб ўтмоқчиман. Айрим БПТ етакчиларида партия фаоли учун зарур ҳислатлар, хусусан, журъат ва ташаббускорлик етишмаяпти. Ваҳоланки, шиддатли давримизда шижоаткорлик ва қатъият, ташаббус кўрсатиш билангина кўзланган мақсадлар рўёбига эришиш мумкин. Шу маънода ўтган йили O`zLiDeP махсус ишчи гуруҳларининг вилоятда ҳам олиб борган қизғин фаолияти том маънода бир сабоқ бўлди. Бундан тегишли хулосалар чиқарар эканмиз, фақат ва фақат реал ишлар, амалий натижалар билангина сайловчилар ишончига сазовор бўлишимиз мумкинлигига яна бир бора амин бўлдик.

Дарҳақиқат, ижобий ўзгаришларни шунда ҳам қўриш мумкинки, ташаббускор куйи ташкилотлар электротат манфаатларини ҳимоялаш, талай масалаларга депутатлар ва мутасадди идоралар эътиборини қаратиш билан тобора кўпроқ шугулланишлари. Сиёсий Кенгаш Ижроия қўмитасининг ҳалқ депутатлари маҳаллий кенгашларининг мустаҳкамлаш, тарафдорларимизни янада кўпайтириш, сафимизни янги аъзолар ҳисобига кенгайтиришга ҳизмат қилаётди.

Вилоятда партияимиз аъзолари ҳамда бошланғич ташкилотлар сони сезиларли даражада ортгани яққол кўзга ташланмоқда. Чунончи, 2013 йилда БПТлар 700 тани, партия аъзолари 19 минг нафардан зиёдрокчи ташкил этганди. Амалдаги йилнинг айнаи даврида эса бошланғич ташкилотлар 976 тага, аъзолар 24 минг 500 нафарга етди. Эътиборлиси, бу кўрсаткичлар тобора ошиб, шу йилнинг 1 июль ҳолатига куйи ташкилотлар сони яна 16 тага, сафдошларимиз эса 1320 нафарга ортди.

— Таянч бўғинлар ва аъзолар сонини ошириш ягона, бирдан-бир мақсадимиз эмас. Бироқ ўрта қатлам вакиллари ўртасида партия дастурий мақсад ва ҳужжатларини кенг тарғиб этиш, O`zLiDeP Сайловолди платформасида белгиланган вазифалар моҳиятини жамоатчиликка етказиш сиёсий мавқеимизни мустаҳкамловчи асосий омил экани инобатга олинса, масаланинг нақадар долзарблиги равшан бўлади, — дейди партия ҳудудий ташкилотининг БПТлар билан ишлаш гуруҳи раҳбари Шухрат Болтаев. — Давлатимиз раҳбарининг O`zLiDeP VII Съезидаги маърузасида белгилаб берилган

ҳокимлиги масъуллари, тажрибали фермер ва ишбилармонлар фаол иштирок этиб, маҳаллий бошқарув органлари ишини такомиллаштириш, аҳоли турмуш даражасини янада яхшилаш борасида пухта ўйланган, асосли таклифлар билдирдилар.

Умуман олганда, тизимли равишда олиб борилаётган ишлар, хусусан, партия туман ва шаҳар кенгашларидаги БПТлар билан ишлаш бўйича консултантларнинг фаолияти доимий тарзда назорат қилиниши, улар томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳар ойда атрафлича таҳлил этилиб, тегишли хулосалар чиқарилиши, мақсаднинг аниқ белгилаб олиниши туфайли вилоятдаги БПТлар фаолиятида олға силжиш кузатиляпти. Бироқ, Ш.Болтаев қайд этганидек, Пахтачи, Нарпай, Жомбой туманларида куйи бўғинлар жойлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммолар ҳамда хусусий сектор вакилларининг қонуний манфаатларини ифодаловчи масалалар юзасидан партия юқори органларида доимий тарзда таҳлилий материаллар ва таклифлар тақдим этиш, депутатлар билан ҳамкорлик йўлга қўйилишида сусткашлик қилмоқда. O`zLiDeP салоҳияти ва электротат олдидаги масъулият кўлами инобатга олинса, бу борадаги ишларни зудлик билан жадаллаштириш зарурлиги ойдинлашади. Зеро,

Шунингдек, «Жумабозор-Тайлоқ» йўналишида катта йўлнинг яроқсиз аҳволга келиб қолган 5 км. лик қисмини таъмирлаш масаласини ҳам депутат билан

ҳамкорликда ҳал қилдик. Бундан ташқари, «Зарафшон» қишлоғининг ички йўлларини таъмирлаш, вақтинча ишсиз ёшлар бандлигини таъминлаш масалалари ҳам БПТмиз томонидан кўрилади. Пировадда кўчаларга шағал тўкилиб, текисланди, четлари ободонлаштирилди. 15 нафар йигит-қиз кўп тармоқли фермер хўжаликларига доимий ишга жойлаштирилди.

Этакчининг сўзларига шуни кўшимча қилиш керакки, мазкур БПТ ташаббуси билан ташкил этилган турли тадбирларда депутатлар, куйи бўғинлар етакчилари, туман

«БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТ ПАРТИЯНИНГ АСОСИЙ БЎҒИНИДИР. БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТ АҲОЛИНИНГ ТУРЛИ ҚАТЛАМЛАРИ ВАКИЛЛАРИ БИЛАН БЕВОСИТА АЛОҚАДА ИШ ЮРИТИШ ВА УЛАРГА ТАЪСИР КЎРСАТИШ ИМКОНИГА ЭГА БЎЛГАН ПАРТИЯНИНГ ҚУЙИ ТУЗИЛМАСИДИР. БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ ҲАР ТОМОНЛАМА БИЛИМДОН, СИЁСИЙ ВА ИЖТИМОЙ ТАЙЁРГАРЛИККА, МАМЛАКАТДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ СОҲАСИДА ЯНГИ ҒОЯ ВА ТАКЛИФЛАРГА ЭГА БЎЛГАН, ПАРТИЯ ВОСИТАЛАРИ БИЛАН ТАДБИРКОРЛАР, ФЕРМЕРЛАР, ХУСУСИЙ СЕКТОР ВАКИЛЛАРИ ВА СИЁСИЙ КУЧНИНГ БОШҚА АЪЗОЛАРИ МАНФААТЛАРИНИ ИФОДАЛАШГА ҚОДИР, ОБРЎЛИ ВА ЖОНКУЯР ШАХСЛАРНИНГ ИХТИЁРИ РАВИШДА БИРЛАШИШИДАН ТАШКИЛ ТОПАДИ. БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ ТАШАББУСКОР ВА ИШЧАН БЎЛИШИ, ПАРТИЯНИНГ ТАКТИК ВАЗИФАЛАРИГА МУВОФИҚ ИШ ШАКЛИ ВА УСЛУБЛАРИНИ ТЕЗ ЎЗГАРТИРИШ ҚОБИЛИТИГА ЭГА БЎЛИШИ ВА АҲОЛИНИНГ ДОЛЗАРБ, КУНДАЛИК МУАММОЛАРИНИ ҲАЛ ЭТИШДА АМАЛИЙ ТАДБИРЛАРНИ БАЖАРИШ БИЛАН ШУҒУЛЛАНИШИ КЕРАК».

O`zLiDeP Уставидан.

## Аҳмаджон ота O`zLiDePни танлади

**O`zLiDeP Марғилон шаҳар кенгаши фаол БПТлар билан биргаликда «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастуридан келиб чиқиб, «Кексалари улўғланган юрт», «Отахонлар дуоси олтидан қиммат», «Қариси бор уйнинг париси бор», «Нуронииси бор хонадон — файзли хонадон» каби мавзуларда айна дамгача 30 га яқин тадбир ўтказди**

Аҳроржон МУСУРМОНОВ, «XXI asr»

— Шаҳримиздаги 50 нафар ёши улўғ отахону онахонларимизни аталликча олганмиз, — дейди партия шаҳар кенгаши раиси Дилшодбек Абдураҳмонов. — Фаолларимиз уларнинг хонадонларида бўлиб, ҳолларидан хабар олаётганлар. Уй-рўзгор юмушларига қарашаяптилар. Амалга оширилаётган ислохотлар, яратувчанлик, бунёдкорлик ишларидан бохабар этишяпти. Байрамларда совға-саломлар улашяпти. Бирор-бир ишга киришишдан олдин, албатта, уларнинг дуоларини олаёпти.

— Кексалар чоғинида хотиржам яшашга не етсин, — дейди меҳнат фахрийси Аҳмаджон ота Маматхонов. Кўпни кўрган, теран мулоҳазали, доно нурониилар партияимиз ва ҳукуватимиз томонидан чиқарилаётган ҳар бир

қарор, фармоннинг ижросини таъминлашга биринчилардан бўлиб киришяптилар. Партиявий лойиҳалари орқали олис жойларда ҳам тадбиркорликни ривожлантиришга қўмаклашяптилар. Натижада чекка райони Дилшодбек Абдураҳмонов. — Фаолларимиз уларнинг хонадонларида бўлиб, ҳолларидан хабар олаётганлар. Уй-рўзгор юмушларига қарашаяптилар. Амалга оширилаётган ислохотлар, яратувчанлик, бунёдкорлик ишларидан бохабар этишяпти. Байрамларда совға-саломлар улашяпти. Бирор-бир ишга киришишдан олдин, албатта, уларнинг дуоларини олаёпти.

Аҳмаджон ота Маматхоновнинг ҳам O`zLiDeP сафига аъзо бўлганлиги сўзимиз исботидир. Кўпни кўрган, теран мулоҳазали, доно нурониилар партияимиз нуфузига нуфуз, кучига куч қўшяптилар.

## АНИҚ САВОЛГА

— Мамлакатимизда фаолият юритаётган сиёсий партиялар қандай ҳуқуқларга эга?

— Ўзбекистон Республикасининг «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонунда сиёсий партияларнинг қуйидаги ҳуқуқлари белгилаб қўйилган:

- \* ўз фаолияти тўғрисидаги ахборотни эркин тарқатиш, ўз гоёлари, мақсадлари ва қарорларини тарғиб қилиш;
- \* сайлаб қўйилган давлат органларидаги ўз вакиллари орқали тегишли қарорларни тайёрлашда иштирок этиш;
- \* қонунда белгилаб қўйилган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президентини, давлат ҳокимияти органлари сайловларида иштирок этиш;
- \* партия фаолияти билан боғлиқ йиғилишлар, конференциялар ва бошқа тадбирларни ўтказиш;
- \* қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда оммавий ахборот воситалари таъсис этиш ва бошқа оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш;
- \* Ўзбекистон Республикасининг сиёсий партиялари билан иттифок (блок) тузиш, улар билан ва бошқа жамоат бирлашмалари билан шартнома муносабатлари ўрнаттиш.


Сиёсий партиялар ушбу қонунда ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунларида назарда тутилган ўзга ҳуқуқларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

## АНИҚ ЖАВОБ

зарурки, гоёвий-сиёсий тарғибот тадбирларини янада кучайтириш, турли лойиҳалар самарадорлигини оширишга қаратилган тизимли ишлар ижобий натижалар бераёпти. Жумладан, куйи бўғинлар электротат манфаатларини изчил ифодалаш орқали сайловчиларнинг партияимизга ишончсини янада мустаҳкамлашга эришяптилар.

Партия вилоят кенгаши расисининг биринчи ўринбосари Илҳом Ботировнинг айтишича, O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси томонидан белгилаб берилган вазифалар доирасида сиёсий-мафкуравий фаолиятда тизимлиликни таъминлаш, хайрихоҳ ва ҳаммаслақларимиз сонини кўпайтириш, партиявий тадбирларнинг таъсирчанлигини таъминлашга йўналтирилган ишларга барча фаоллар, жумладан, БПТ етакчилари ҳам жалб этилмаяпти. Ўтказилаётган амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар мазмун-моҳияти, Сайловолди дастуриимизда белгилаб берилган долзарб вазифалар ижросини таъминлаш хусусида сўз юритилаяпти. Шунингдек, аҳоли, айниқса, аёллар ҳамда ёшларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка жалб этишга алоҳида эътибор берилмаяпти.

Маълумки, аҳиллик, баҳам-жиҳатлик, кўпчилиги билан маслаҳатлашиш, фикр тўплаш ва умумлаштириш O`zLiDePга хос иш



2015 йил 1 январдан 2015 йил 1 июлгача БПТлар тўғрисида 6 ойлик маълумот



# ҲАЁТ ҲАҚИҚАТЛАРИ

## ЭЛЕКТРОН САВДОЛАР ШАФФОФЛИГИ харидор учун ҳам, сотувчи учун ҳам бирдай қулайлик яратмоқда

Рисолат МАДИЕВА, «XXI asr»

Маълумки, O`zLiDeP Сайловолди платформасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг давлат харидларини кенгайтириш, тақдим этилаётган товар ва хизматлар экспортини рағбатлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Хўш, бугунги кунда ушбу йўналишда мутасадди ташкилотлар томонидан қандай ишлар амалга ошириляпти? Ундан мамлакат иқтисодиёти, жумладан, хусусий корхоналар қай даражада наф қўраётми?

Мазкур саволларга жавоб топиш мақсадида Республика товар-хом ашё биржаси мутасаддиларига мурожаат қилдик.

— Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 7 февралдаги «Давлат харидлари тизимини мақбуллаштириш ва уларга кичик бизнес субъектларини жалб этишни кенгайтириш тўғрисида», 2013 йил 5 апрелдаги «Электрон харидлар тизимини мақбуллаштириш ва улардан тадбиркорлик субъектларининг фойдаланишини кенгайтириш тўғрисида»ги қарорларига соҳамизга оид устувор вазифалар аниқ-тиниқ белгилаб берилган, — дейди биржа бош мутахассиси Жасур Юнусов. — 2014 йилда амалга оширилган жами электрон харидларнинг умумий ҳажми 821 миллиард сўмни ташкил этди. Давлат харидлари 2013 йилга нисбатан 13 фоизга ўсиб, 470,6 миллиард сўмдан, корпоратив савдолар айланмаси эса 350 миллиард сўмдан ошди.

Агар электрон савдоларнинг бошланғич босқичида ҳар бир буюртмага атиги иккитадан таклиф

келиб тушган бўлса, бугунга келиб ҳар бир талабномага ўртача олтидан таклиф тушмоқда. Бундай натижаларга эришишда савдоларда тобора фаол иштирок этиб келаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ўрнини алоҳида таъкидлаш лозим. Биргина 2014 йилда давлат харидлари бўйича тузилган битимларда улارнинг улуши 99, корпоратив харидларда эса 96 фоизни ташкил этди.

Бундай ютуқларга ўз-ўзидан эришилмади, албатта. Соҳа вакилларининг қайд этишича, бунда савдо тизимининг ошқоралиги, хусусан, электрон харидлар бўйича ахборот ресурси ва бир вақтнинг ўзида кўп тармоқли савдо платформаси вазифасини бажаряётган махсус портал алоҳида ўрин тутмоқда. Электрон харидлар оммалашувининг яна бир муҳим жиҳати, савдо ғолиби аниқланаётган пайтда инсон омилнинг мавжуд эмаслиги билан боғлиқдир. Харидлар ҳажми ва кўлами тобора кенгайиб бораётгани эса рақобат кучайишини таъминляпти.

— Тизимда очиқ-ойдинлик мавжудлиги кичик бизнес учун жуда қўл келади. Чунки айнан шу субъектлар ўзгарувчан шaroитларга тез мослашиш қобилиятига эга, — дейди Жасур Юнусов. — Электрон савдоларда иштирок этиш реклама билан боғлиқ бир қатор харажатларни ҳам қисқартиради. Яъни, тадбиркорлар учун тайёр буюртмалар рўйхати тақдим этилади.

Шу ўринда самарали ташкил этилаётган савдолар бюджет ташкилотлари, монополия субъектлари, давлат унитар корхоналари ва устав фондида 50 фоиздан ортик давлат улуши бўлган ҳўжалик жамиятларининг харид фаолиятини оширишга ҳам ижо-



бий таъсир кўрсатаётганини айтиб ўтиш керак. Масалан, ушбу фаолиятдан 2013 йилда 83 миллиард сўм бюджет маблағлари тежаб қолingan бўлса, бу кўрсаткич ўтган йили 117,4 миллиард сўмни ташкил этди. Корпоратив харидлар бўйича ўтказилган аукцион савдоларда бошланғич нархларнинг пасайиши ҳисобига 64,1 миллиард сўм тежаб қолинди.

Президентимизнинг 2015 йил 15 майдаги «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, улари жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонидан сўнг эса яна бир қулайлик яратилди. Яъни, жорий йилнинг 1 июнидан бошлаб «Давлат харидлари бўйича электрон каталог» (catalog.uzex.uz) — янги электрон савдо тизими ишга туширилди. Унда энг зарур бўлган товарлар (ишлар, хизматлар)нинг харид қилиш жараёни 48 соатни ташкил этади, холос.

Бу янгиликнинг яна бир қулайлиги, ишлаб чиқарилган маҳсулотлар давлат харидлари бўйича

ҳукумат комиссияси томонидан тасдиқланган товарлар рўйхати-га кирса, барча етказиб берувчилар ўз маҳсулотларини электрон каталогга жойлаштиришлари ҳам мумкин. Буюртмачилар эса мазкур каталогдаги таклифларни харидлар бўйича ўтказилган аукцион савдоларда бошланғич нархларнинг пасайиши ҳисобига 64,1 миллиард сўм тежаб қолинди.

Тизим автоматик равишда энг кам нарх берган етказиб берувчини ғолиб, деб топади. Контрактни шакллантиради. Буюртмачи ва етказиб берувчининг персонал кабинетига юборади. Каталогга киритилган таклифлар буюртмачилар учун оммавий оферта қилинганда, унда товарнинг аниқ маркази, ишлаб чиқарувчиси ва сурати кўрсатилади.

Жорий йилнинг 2 июнь ҳолатига кўра, янги платформада тўртта товар гуруҳига мансуб бўлган 391 та товар позицияси, шу жумладан, транспорт воситалари учун эҳтиёт қисмлар, ўлчов ускуналари, қурилиш моллари, компьютер эҳтиёт қисмлари ва тўпламлари савдоларга қўйилди.

Энг муҳими, ушбу тизимни жорий этишда барча буюртмачи ва етказиб берувчиларнинг таклифлари ҳисобга олинди.

Бугун мамлакатимизнинг қай бир ҳудудда бўлманг, мустақиллигимиз шарофати билан қад ростлаган кўркем ва ҳашаматли бинолар, хизмат кўрсатиш иншоотлари, савдо дўконларига кўзингиз тушади. Ана шу савдо дўконлари пештахталаридаги бири-биридан бежирим истеъмол товарлари ёки юзлаб турдаги озиқ-овқат маҳсулотларини кўриб дил яйрайди, кўз қувнайди. Маҳсулотларнинг аксарият қисми ўзимизда ишлаб чиқарилгани, сифати ҳеч бир хориж корхонасиникидан қолишмаслигини сезиб, кўнглингиз тўлади

## Сифат — бош мезон

Зиёдулла МҮМИНОВ, «XXI asr»

Эътибор берсангиз, бугунги кунда ички бозоримизга четдан деярли сановат, халқ истеъмол товарлари, озиқ-овқат маҳсулотлари кириб келмаяпти. Аксинча, тадбиркорларимиз хорижа маҳсулотларини экспорт қила бошляпти.

Бунинг исботи сифатида яқинда Вазирлар Маҳкамасида жорий йилнинг ўтган ярим йил якунларига бағишлаб ўтказилган йилгиликда ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш салмоғи 8,1 фоизга ортгани, экспорт қилувчи корхоналарни рағбатлантириш ва маҳсулотларини ташқи бозорларга чиқариш ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани натижасида мамлакатимизда йил бошидан буён 500 га яқин корхона томонидан қарийб 170 хилдаги янги маҳсулот экспорт қилинган алоҳида таъкидлаб ўтилди. Мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг 56 фоизи тадбиркорлик субъектлари томонидан тайёрланаётгани эътиборга лойиқдир. Бунда, табиийки, ишлаб чиқарилаётган ёки импорт маҳсулотлар сифатини таъминлаш, улари халқроқ талаблар даражасига етказишда «Ўзстандарт» агентлигига қарашли Республика синови ва сертификатлаштириш маркази давлат корхонаси ва унинг жойлардаги бўлимларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Тизим таркибига кирувчи Чирчиқ синови ва сертификатлаштириш

маркази шулар жумласидандир. — Мутахассисларимиз соҳа ривожини таъминлаш, истеъмолчилар манфаатларини ҳимоя қилиш, аҳолининг бозорларимиз, савдо расталаридан фаоллиқлиги маҳсулотлар харид қилишлари кўмакчи бўлишни ўзларининг бош мақсадлари деб биладилар, — дейди Чирчиқ синови ва сертификатлаштириш маркази давлат корхонаси директори Абдуфаттоҳ Фозилов. — Марказимиз вилоятнинг Бўстонлик, Паркент, Юқоричирчиқ, Қўрай ҳамда Чирчиқ шаҳрида фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари ва йрриқ сановат корхоналари ҳамда аҳолига хизмат кўрсатади. «Максам-Чирчиқ» АЖ, «Ўзбеккимё-маш» АЖ, «ЎзКТЖМ» АЖ ҳамда «ЧТЗ» кўшма корхоналари билан узвий алоқада бўлган ҳолда, уларга амалий ва зарур ёрдамлар кўрсатиб келинапти. Масалан, «Максам-Чирчиқ» ОАЖ билан интеграллашган сифат тизимини жорий қилиш ишлари якунланиб, «Серт-Менежмент» сертификатлаштириш идораси томонидан ИСО 14001 ҳамда OHSAS 18001 халқроқ стандарт талабларига асосан сертификатлаштирилди. Бу эса корхонанинг экспорт салоҳиятини ошириш, рақобатбардор маҳсулот ишлаб чиқариш, валютаси тушумининг қўпайиши ҳамда халқроқ тендерларда қатнашиш борасида кенг имкониятларни эши-рини очиб беради. Корхоналарнинг хорижий харидорлар билан тенг ҳуқуқли савдо қилиши, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифатини таъминлашда дунё тан

ошган тизим — ИСО 9001 «Сифат менежменти тизимларини жорий этиш бўлими» ҳамда «Сифат тизимларини сертификатлаштириш идораси» фаолият юритиб келмоқда.

Марказнинг сертификатлаштириш идораси доимий тарзда аккредитация кўламини кенгайтириб бораётди. Улчаш воситалари устидан давлат метрологик назорати бўлими мутахассислари ҳудуддаги

ташкилот ва корхоналар, тадбиркорлар ҳамда аҳолининг ўлчаш воситаларини қиёслаш ишларини амалга оширяптилар. Корхоналар ва маҳсулот ишлаб чиқарувчи тадбиркорларга қўлайлиқлар яратиш мақсадида бевосита жойларга чиқиб хизмат кўрсатиш йўлга қўйилган.

«Ўзстандарт» агентлигининг соҳани ривожлантириш дастурига асосан, марказнинг аккредитланган синови лабораторияси ҳамда метрология бўлимларида қўлланилаётган маънан эскирган синови ва ўлчов воситаларини босқичма-босқич янгилаштиришга эришаптилар. Бу, ўз навбатида, ўтказилаётган синови ва қиёслаш ишларини вақтининг тежаллиши, савияси ҳамда самарадорлигининг ошишига олиб келмоқда. Албатта кўп каби ишларни амалга ошириш кўп жиҳатдан малакали мутахассисларга ҳам боғлиқ. Марказда кадрлар тайёрлаш, улари билан ишлаш, «устоз-шогирд» анъанасига кўра ёш мутахассисларни соҳада узоқ йиллар меҳнат қилган тажрибали мутахассисларга бириктирган ҳолда улардан келажакда малакали мутахассислар тайёрлашга катта аҳамият қаратиб келинмоқда.

— Мухтасар айтганда, истеъмолчи талабини ҳар томонлама қондириш, улари сифатли, аҳоли саломамлиги учун хавфсиз бўлган маҳсулот ва хизматларни тақдим этиш жамоамиз фаолиятининг асосини ташкил этади, — дейди корхона раҳбари. — Шу боис мутахассисларимиз амалга оширяётган ҳар бир тадбир, ҳар бир ишга масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда ёндашмоқдалар.

### ЭЪЛОН

## «O`ZSTANDART»

«САМАРҚАНД СИНОВ ВА СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ МАРКАЗИ» ДАВЛАТ КОРХОНАСИ

Ҳурматли тадбиркорлар!

«Самарқанд синови ва сертификатлаштириш маркази» давлат корхонаси Сизларга қуйидаги йўналишлар бўйича ўз хизматларини таклиф қилади:

- Озиқ-овқат, кишлоқ ҳўжалиги, электротехника, машинасозлик, металл, автотранспорт воситалари, энгил сановат, қурилиш, кимё сановати маҳсулотларини сертификатлаштириш ва синовдан ўтказиш;
- Туризм ва меҳмонхона хизматларини сертификатлаштириш;
- Халқроқ стандартларга мувофиқ сифат менежменти тизимларини сертификатлаштириш;
- Метрологик хизматлар йўналишида: геометрик, оғирлик, куч ва қаттиқлик, босим, вакуум, ҳаракат параметрлари, суюқлик ва газ миқдори ҳамда сарфи, ёпишқоқлик ва зичлик; физик-кимёвий, иссиқлик-физикавий ҳарорат, оптик ва оптик-физикавий, акустик ўлчамлар, электр ўлчамлар, вақт ва частота катталиклари ўлчов воситаларини қиёслаш хизматларини кўрсатиш;
- Барча турдаги электрон ва механик тарозиларни қиёслаш;
- Сертификатлаштириш, метрология ва маҳсулотлар синовлари юзасидан бутун республика миқёсида агентлик хизматларини кўрсатиш;
- Маҳсулотлар маркировкасидаги маълумотларни давлат тилига мувофиқлигини тасдиқлаш;
- Сертификатлаштириш, метрология ва синовлар соҳасида бепул маслаҳатлар бериш.

### МАРКАЗ СИЗ БИЛАН ҲАМКОРЛИК ҚИЛИШДАН МАМНУН.

Мурожаат учун:

<b>Манзил:</b> Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 147-«а» уй.	<b>Телефонлар:</b> (8366) 222-09-07 222-10-93 222-73-84	<b>Факс:</b> (8366) 222-21-52 221-15-96 222-89-23	<b>e-mail:</b> samcert@mail.ru samcert@umail.uz samssm@exat.uz
---	--	--	---

Марказнинг Каттақўрғон шаҳридаги филиали

Манзил: Каттақўрғон шаҳри, А.Навоий кўчаси, 193-уй.

Мўлжал: Каттақўрғон педагогика коллежининг эски биноси.

### ЭРЕКЛАМА ЎРНИДА

## Ишонч ва бурч янгича ишлаш, янгича яшашни талаб этади

Қашқадарёда эл эътиборига тушган ташкилотчи ва ташаббускор инсонлар кўпчиликини ташкил этади. O`zLiDeP Қарши шаҳар кенгаши раиси Санжар Эргашев ана шундай фидойий замондошларимиздан бири. Ҳали ёш бўлишга қарамай замонавий фикрлай оладиган, бозор иқтисодиёти асосларини чуқур эгаллаган мутахассис дастлаб Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтини, сўнгра Сеул Давлат университетини тамомлаган. Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Товар-хом ашё биржаси Қашқадарё филиали директори. Тўғрисиқ, янгиликка интилувчан раҳбар. Унинг ушбу фаилатлари партиявий фаолиятида ҳам, раҳбарлик қилаётган меҳнат жамоаси эришаётган ютуқларда ҳам яққол кўзга ташланиб турибди.

Сайфулла ИКРОМОВ, «XXI asr»

Масалан, жорий йилнинг ўтган 6 ойи мобайнида филиалда 76,4 млрд. сўмлик хом ашё ва материаллар савдоси амалга оширилди. Унинг катта қисми кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари улушига тўғри келади. Айниқса, биржанинг махсус ахборот портали орқали электрон савдо йўли билан тадбиркорлик субъектларидан энг зарур товарлар (ишлар, хизматлар)нинг давлат харидини таъминловчи дастурий-техник мажмуа — (catalog.uzex.uz) электрон каталогини ишга туширилгани харидлар жараёнини тезлаштириб, соддалаштирди. Буюртмачиларнинг маҳсулотлар ҳақида ўз вақтида тўлиқ маълумот олишини таъминлади. Айниқса, интернет орқали инсталланган жойдан биржа битимлари, клиринг ва ҳисоб-китоб амалларини бажариш имконини берувчи савдо ва тўлов тизимининг жорий этилгани эътиборга лойиқдир.

— Президентимизнинг «Давлат харидлари тизимини муқобиллаштириш ва уларга кичик бизнес субъектларини жалб қилишни кенгайтириш тўғрисида»ги қарорига асосан вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида савдо майдончалари ташкил этилган, — дейди С.Эргашев. — Айни пайтда вилоят

бўйича 63 та (шундан 19 таси савдо майдончаларида, 44 таси филиалда) брокерлик идораси фаолият кўрсатиб, ўрнатилган тартибда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, буюртмачи корхона ва ташкилотларга хизмат кўрсатиб келаётди.

Худди шунингдек, давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 5 апрелдаги «Электрон харидлар тизимини мақбуллаштириш ва улардан тадбиркорлик субъектларининг фойдаланишини кенгайтириш тўғрисида»ги ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 11 июндаги «Давлат ва корпоратив харидлар жараёнини такомиллаштиришга доир кўшич қора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари мазмун-моҳиятини тушунтириш мақсадида жойларда вилоят ҳокимлиги, фазначилик, молия, рақобат бошқармалари билан ҳамкорликда бир қатор семинарлар ўтказилди. Шаҳар ва туманларда бюджет муассасалари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳамда савдо майдончалари ва брокерлик идоралари иштирокида мунтазам тушунтириш ишлари олиб борилгани ҳам ўз самарасини бермоқда.

Ушбу сазъ-ҳаракатлар натижасида филиал фаолияти кескин жонланди. Айни пайтда 170 та давлат улуши 50 фоиздан юқори бўлган буюртмачи ҳамда 763 тадан зиёд маҳсулот (иш,

хизматлар етказиб берувчи ташкилот ва корхона корпоратив харидлар савдо тизимида рўйхатга олинган бўлиб, шундан 655 таси ҳисоб-китоб клиринг палатаси томонидан аккредитациядан ўтказилган.

Юқорида қаҳрамонимизнинг меҳнат фаолиятига оид маълумотларига тўхталдик. Унинг O`zLiDeP Қарши шаҳар кенгаши раиси ҳамда халқ депутатлари шаҳар кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи раҳбари сифатида олиб бораётган кен қаровли фаолияти ҳам эътиборга лойиқдир. Сайловчи ишончини оқлаш, воҳанинг янада гуллаб-яшнаши йўлида бор иқтисоди, куч-қайратини сарфлаб келаётди. Шу боис иқтисодий салоҳиятини намоён этиш боробарида сиёсий фаолиятда ҳам замондошларига ўрнатилган.

— Санжар Эргашев гуруҳимиз раҳбари этиб сайлангандан сўнг шаҳримизда депутатларнинг фаолияти сезиларли даражада ортди, — дейди вилоят партия кенгаши депутатлик гуруҳлари билан ишлаш сектори мудири Дилшод Турсунов. — Ўтган олти ойда бевосита гуруҳ ташаббуси билан ўттизга яқин тадбир ташкил этилди. Сайловчиларнинг йигирмадан ортик мурожаати ўрганилиб, ижобий ҳал қилинди. Кексаларни эъозлаш йили муносабати билан шаҳардаги маҳаллаларда истиқомат қилаётган кам таъминланган оилаларга кўмак берилди. Нуруний отахон ва онахонларнинг мамлакатимиз тарихий шаҳарларига саёҳатлари уюштирилди. Қўчаларни ободонлаштириш мақсадида оммавий тадбирлар, ёшлар ўртасида турли спорт мусобақалари ўтказилди. Чўлуқвар маҳалласи аҳолиси мурожаати асосида сўрновна тайёрланиб, электр таъминотини яхшилашга эришилди. Халқ депутатлари шаҳар кенгаши сессиясига иккита долзарб масала тайёрланди. Депутат вилоят ва шаҳар кен-



гашлари томонидан ташкил этилаётган барча тадбирларда фаол қатнашиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини намоён этиш боробарида сиёсий фаолиятда ҳам замондошларига ўрнатилган.

— Яқинда коллеж ўқувчиларининг бандлигини таъминлашда улари тадбиркорликка йўналтириш масаласини кўриб чиқдик, — дейди С.Эргашев. — Гарчи уч томонлама шартномалар тузилган бўлса-да, айрим ёшлар ишга жойлаша олмай қоляпти. Депутатлар иштирокида шаҳар касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар битирувчиларининг ислохотларда фаол иштирокчи таъминлаш борасида амалий ишлар режасини тайёрладик. Президентимизнинг «2013-2016 йилларда Қашқадарё вилоятининг сановат салоҳиятини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ишга туширилгани белгиланган 555 та лойиҳадан 440 таси муваффақиятли амалга оширилди. Уларнинг асосий қисми Қарши шаҳрига тўғри келади. Мазкур лойиҳаларга депутатларимизни бириктириб қўйганми...

Буларнинг барига улгуриш осон эмас, албатта. Лекин Санжар Эргашев ҳаракат қилапти. Улгурапти. Зеро, халқ ва партия ишончини оқлаш унинг бош шioriдир.

# СЎНГГИ САҲИФА

«КИМ ЭДИГУ КИМ БЎЛДИК?»

## САБРУ ҚАНОАТ — БУЮК САОДАТ

**Миллий қадрият ва анъаналарни эъзозлаб, авлодлар қалбига чуқур сингдиришни улкан бахт, деб билиш халқимизга хос юксак фазилатдир. Мустақиллик йиллари бундай ноёб жиҳатлар миллий хунармандчилигимизни юксалтиришда ҳам кенг намоён бўлмоқда**

Мухриддин НУРМАНОВ,  
«XXI asr»

Бойсун туманида жанда номи билан тўқилган мато қадимда ҳам бежирим ва нафислиги билан машҳур бўлган. Ранги ўчмайдиган ноёб бу матони дунёда бойсунлик хотин-қизлардан бошқа ҳеч ким тўқий олмаган. Тоғли туман чеварлари ундан тикилган яқтак, тўн ва бошқа миллий кийимлар билан ҳақли равишда фахрланган. Топалитар замонда халқимиз асрлар давомида эъзозлаб келган ноёб урф-одатлар қаторида ёғоч ўймоқорлиги, мисгарлик, косиблик, кулчилик, кашта ва гилам тўқиш қаторида бойсунли-

гари гиламлари, дўмбира, чанқовуз каби жозибадор мусиқа асбоблари билан жаҳонга танилган Сурхондарё воҳасига аждодларимизнинг бундай ноёб анъанасини давом эттириш учун қўлай шароит, эркин муҳит яратди. Ўтмишдаги тазийқлар барҳам топди. Қўли гул хунармандларнинг бугунги авлодлари бундай имкониятдан руҳланиб, аждодлардан мерос қолган ноёб касбни қайта тиклади, турли буюмлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ҳар тарафлама қўллаб-қувватланиб, муносиб рағбатлантирилаётгани, хунармандлар учун солиқ

ша навқирон воҳанинг Бойсун, Сарийосиё, Денов, Олтинсой, Шўрчи, Жарқўрғон, Шеробод, Термиз каби туманларида миллий ва замонавий услубда яратилаётган ранг-баранг нафис мис, ёғоч ўймақорлиги буюмлари, кашта ва гиламлар, дўмбира ва чанқовулар нафақат юртимиз аҳолиси, балки дунё халқларини ўзига мафтун этмоқда. Замонавий дўқонларда кўзни қамаштирадиган бундай ноёб буюмларга қизиқиш ортиб бораёпти. Бундан ўн йилча аввал Бойсун туманида ЮНЕСКО лойиҳаси асосида шарқона усулда Бойсун хунармандлар маркази фаолият бошлагани ҳам тинч, осуда юртимиз ва

газмаларида қатнашиб, ўз махсулотларини кенг назомиёш этди. Бундай нуфузли тадбирларда марказда тўқилган оқ эн гилами ва жанда матосига халқаро сифат белгиси берилиб, ўзининг азалий мавқеини тиклади. Қадимда Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашган воҳани жаҳонга танита бошлади.

Йиллар ўтиб, замоналар эврилса-да халқимиз ардоқлаб келган миллий хунармандчилигимиз ўз қадр-қимматини йўқотмади. Аксинча, не-не тўсиғу говларни четлаб, халқимиз қалб кўрида сақланди, авлоддан-авлодга ўтди, авайлаб-асраб келинди.

— Аждодларимиз хунарманд бўлишган, — дейди сарийосиёлик Бахриддин. — Улар нафис услубда ёғочни қайта ишлаб, турли буюмлар тайёрлашган. Одий ёғочга жило бериб, шу касб орқали элга танилган. Лекин ўтган асрда барча мулклар давлатники, деган ваз билан нафис касб эгалари эътибордан четда қолиб келганлар. Озодлик шарофати билан боболаримиздан мерос касбни улғулаб, аждодлар анъанасини давом эттираётганимиздан маънавий ўқимиздан Президентимиз соврини учун анъанавий ўтказилаётган «Ташаббус» кўрик-танловининг туман ва вилоят босқичларида биринчи ўринга муносиб топилгани мени янада кўпроқ изланиб, самарали меҳнат қилишга ундаётганидан, махсулотларим хорижликларда ҳам катта қизиқиш уйғотаётганидан ниҳоятда қувонаман.

Ҳа, бугун Сурхон воҳаси хунармандлари томирида аждодларга хос шижоат, яратувчанлик ва бунёдкорлик қони жўш урмоқда. Улар яратётган мафтункор санъат асарлари-ю, нодир хунармандлик буюмлари билан гўзал табиатимиз манзаралари, осойишта ва фаровон турмушимиз, юртимиз азалий анъаналари қайтадан тикланаётганини фахр ва ифтихор билан намоён этмоқдалар.

**Йиллар ўтса-да, замоналар эврилса-да халқимиз ардоқлаб келган миллий хунармандчилигимиз ўз қадр-қимматини йўқотмади. Аксинча, не-не тўсиғу говларни четлаб, хунармандларнинг қалб кўрида сақланди, авлоддан-авлодга ўтди, истиқлолга авайлаб, асраб келинди.**

кларнинг жанда матосидан тикилган миллий кийимлари ҳам таъқибга учради. Нафис дид билан ишланган бундай хунармандчилик буюмларида эскилик сарқити сифатида қаралди.

— Шўролар даврида ота-боболаримиз эгнига жанда матосидан яқтак, тўн тиктириб киймаган бўлса-да, хунарманд момоларимиз болалиқда тўқилганларини сандиқларда авайлаб-асраган, уни тўқиш сирларини авлодлар онига чуқур сингдириб келган.

— дейди Бойсун туман Хунармандлар маркази директори Ханифа Салимова. — Табиий буюқ тайёрлаш синоатини яширинча ўрганган. Тўқув дастохларини ер тўлаларда кўз қорачигидек асраган. Мустақилликнинг илк йилларида азалий қадрият ва анъаналаримизни қайта тиклашга қаратилган чексиз эътибор опа-сингилларимизда аждодлардан мерос қолган ранг-баранг гиламлар ва жанда матосини бемалол тўқишга кучли интилиш уйғотди.

Истиқлол ажойиб кулчилик буюмлари, ёғоч ўймақорлиги, «оқ эн», «тўдагул», «кўчқоршоҳ», «ғажари» син-

имтиёзлари берилиб, молия муассасалари томонидан кредит маблағлари ажратилаётгани соҳанинг янги ноёб қирраларини кашф этишда муҳим омил бўлаёпти. Вилоятнинг энг олис ва кичик кишлоқларида ҳам оилавий тадбиркорлик қўлчоқ ёзиб, турли хунармандчилик буюмлари ишлаб чиқаришга қизиқиш кучаймоқда. Айни пайтда жанубдаги воҳада хунармандчиликнинг турли соҳаларида икки мингдан ортиқ кичик бизнес субъектининг фаолият юритаётгани ҳам бобомерос, момомерос бу касбга эндиликда эътибор кучайтирилаётганининг яққол ифодасидир. Бундан ташқари миллий хунармандчиликни эъзозлаб, юртимиз довуғини дунёга тараннум этаётган соҳа вакиллари учун турли кўрик-танловлар ташкил этилиб, уларнинг ақл-заковати, юксак диди ва ҳалол меҳнатлари муносиб рағбатлантирилаётгани хунармандларни янада кўпроқ изланиб, янгилик яратишда яхши самаралар бермоқда.

Бугун қадимий ва ҳамим-бетакрор манзараларга бой гўшанинг қўлигул хунармандларига хорижликларнинг эътибори ва эътибори самарасидир. — Ҳозир бу ерда ўндан ортиқ қўли гул хотин-қиз меҳнат қилиб, ўз хунарини ёшларга ўргатмоқда, — дея сўхбатни давом эттиради Ханифа Салимова. — Улар қадимги каштачилик, гиламчилик ва тўқувчиликни чуқур ўрганиб олган моҳир чеварлардир.

Азалий анъанага кўра, йигирилган ипга табиий буюқ билан жило берилиб, гилам ва матолар ёғоч дастохлар ёрдамида қўлда тўқилмоқда. Қадимий услубда яратилаётган турли гиламлар ва жанда матосида Бойсуннинг хушманзара табиат манзаралари ўз аксини топаётди. Марказ қошида ташкил этилган музейда XVIII-XX аср хунармандларининг ноёб гилам, қошиқ, кўза сингари 100 дан ортиқ нодир буюми жой олгани бундай осори-атиқаларнинг қалтис замоналарда ҳам эъзозланганидан мисолдир.

Ўтган йилларда марказ хунармандлари қатор халқаро ва республика кўр-



## ОЗОД ЮРТНИНГ ОБОД ОИЛАСИ

Обод уйда бахтли инсонлар яшайди. Салима Бўронова ана шундай шарафга эга табаррук онахонларимиздан. Турмуш ўртоғи, раҳматли Исроил ака Шарипов билан салкам 40 йиллик тотув ҳаёти давомида тўрт ўғил, бир қизни оқ ювиб, оқ таради, олий маълумотли қилди. Катта ва файзли хонадон бекаси тўрт келин, бир кувёнинг оқила қайнонаси, 17 нафар невара, 2 нафар чевара, бир нафар невара келин ва 2 нафар невара кувёнинг сеvimли бувижониси. Китобни дўст билган зиёлилар хонадонда камол топган 3 нафар невара аллақачон олий маълумотли бўлиб, Ватанимиз равнақи йўлида хизмат қилаётди. Яна тўрт нафари олий илмгоҳларда, қолганлари эса мактаб, лицей ва коллежларда билим олишаётди.

— Рўзгор туттишда, бола тарбиясида салкам юз ёшни қаршилаётган қайнонамнинг маслаҳатларини олиб, ўғитларини жон қўлогим билан эшитаман ва амал қиламан, — дейди келини Ҳамро Шарипова.

— Умрини ёш авлод тарбиясига бахшида қилган Салима Бўронова сингари намунали оила бекалари бўлган онахонларимиз маҳалламизда кўпчиликни ташкил этади, — дейди Қизилтепа туманидаги Оқмачит МФЙ раиси Мавжуда Шарипова. — Ана шундай дуоғўлариниз бор экан, юртимиздан ҳеч қачон файз-баракка эримайди.

Келинг, биз ҳам тилак қилайлик: хонадонларимизнинг фариштаси бўлган кенсаларимиз доимо омон бўлишсин. Мансур Аслонов олган сурат.

РЕКЛАМА



# AGROBANK

**“FitchRatings” халқаро рейтинг агентлиги 2015 йил 27 июлда**

## “Агробанк” акциядорлик-тижорат банкининг халқаро рейтингини

# “БАРҚАРОР”

**дея қайта тасдиқлади**

[www.agrobank.uz](http://www.agrobank.uz) **Хизматлар лицензияланган**

ЭЪЛОН

### СИЗНИНГ ХИЗМАТИНГИЗДАМИЗ!

**«Қорақалпоғистон синов ва сертификатлаштириш маркази» давлат корхонаси товар ишлаб чиқарувчилар, оилавий тадбиркорлик субъектлари, кўша марказлари, кўп тармоқли фермер хўжаликларига рақобатбардош, истеъмолчилар учун доимо манзур бўладиган, импорт ўрнини босадиган ва экспортбоп товарлар ишлаб чиқаришларида ёрдам беради.**

Қадри тадбиркорлар! Корхонамизда ишлаб чиқарилаётган ёки импорт махсулотларга мувофиқлик сертификати олишингиз, тайёрлаётган махсулотингизни ички ҳамда ташқи бозорда ўз харидорини топиши учун корхонамизда Халқаро ISO 9001 — «Сифатни бошқариш тизимини жорий этишингизда марказимиз мутахассислари, эксперт-аудиторлари Сизга маслаҳат ҳамда ёрдамларини аямайди.

Шунингдек, корхонамиз ёки хонадонингизда мавжуд бўлган ўлчов воситаларини давлат қиёсловидан ўтказишингизда ҳам марказимиз мутахассислари сизга хизмат кўрсатишди.

Азиз тадбиркорлар ва истеъмолчилар! «Қорақалпоғистон синов ва сертификатлаштириш маркази» давлат корхонасининг 0 361 222-74-02 рақамли «Йшонч телефони» ёки [www.karaqalpoqssm.uz](http://www.karaqalpoqssm.uz) веб-сайти орқали мурожаат қилиб, стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш, шунингдек, корхонамизда сифатни бошқариш тизимини жорий этиш бўйича Сизни қизиқтирган барча саволларга марказимиз мутахассислари жавоб беришади. Чунки Сизнинг хизматингизда!

Манзил: Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри, Фарезизлик кўчаси, 57 -уй.  
Телефонларимиз: 0 361 222-74-02, факс: 0 361 780-00-07  
e-mail: [qoraqalpoqssm@rasm.uz](mailto:qoraqalpoqssm@rasm.uz) [qoraqalpoqssm@exat.uz](mailto:qoraqalpoqssm@exat.uz)

**«ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН СИНОВ ВА СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ МАРКАЗИ» ДАВЛАТ КОРХОНАСИ.**

**XXI ASR**  
ЎТМОЙ-СИЙОСИЙ ГАЗЕТА

МУАССИС: ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАРАКАТИ — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

**БОШ МУҲАРРИР ВАЗИФАСИНИ БАЖАРУВЧИ:** Озод РАҲАБОВ.

**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:** Тошкент, Нукус кўчаси, 73А-уй.

**ТЕЛЕФОНЛАР:** Нотбият — 281-40-17 (тел./факс), Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 255-64-80, Ахборот ва таҳлил, хатлар ва шикоятлар бўлими — 255-64-80, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти бўлими — 215-60-45, Ёшлар ва аёллар масалалари бўлими — 254-03-79, Реклама ва шартномалар бўлими — 215-60-45, 255-68-50, қабулхона: 215-63-80 (тел./факс).

**ЭЛЕКТРОН ПОЧТА:** XXI\_ASR@mail.ru

«XXI ASR» ижтимоий-сийсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.

«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Бурутма рақами: 5 3545 Тираж: 10060

Баҳоиси келишилган нархда.

Топширилди — 20.00

Таҳририятга келган кўпмаъра тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

©«XXI ASR»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри таҳририят нуктаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Реклама материалларига таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририятда терилди ҳамда дизайнер Маркс Юсупов томонидан саҳифаланди.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406

ISSN 2181-497X



9 772181 497009

Навбатчилар: ТАБДУРАҲМОҶОН, С.ЗОИРОВ.